

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2022-yil 16-sentabr / № 32 (4691)

## ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

**Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ташкилотга раислик дунёга очилаётган Ўзбекистонга ўзини янги форматда намоён этиш имкониятини берди.**

Саммит ишида ШХТга аъзо мамлакатлар — Покистон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, шунингдек, ташкилот ҳузуридаги кузатувчи давлатлар — Беларусь Республикаси, Мўғулистон ва Эрон Ислом Республикаси етакчилари иштирок этмоқда.

Фахрий меҳмон сифатида Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Туркменистон раҳбарлари, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашмоқда.

Саммитнинг кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари, ШХТни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари ва устувор вазифалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилади, ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва устувор соҳалардаги минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган салмоқли ҳужжатлар имзоланади.

Бу галги саммит ШХТ давлат раҳбарларининг 2020 йилда коронавирус пандемияси бошланганидан сўнг ўтган охириги уч йилда биринчи юзма-юз учрашувидир.

Шуни таъкидлаш кераки, ШХТ ҳарбий ташкилот эмас. Бугунги кунга келиб ШХТ ҳамжамияти — улкан географик ма-

конни қамраб олган ва сайёраимиз аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилотдир. Бу ташкилот, асосан, аъзо давлатларнинг тинч тараққиётини таъминлашга масъулдир. ШХТнинг вазифалари барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда фаолият юритишдан иборатдир. Жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ташкилот ўз олдида урушлар ва ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини даф этиб, тинчлик, фаровон ҳаётга эришиш каби улуг мақсадни кўйган.

Қароргоҳи Тошкентда бўлган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ўз меваларини бермоқда. Шу давр мобайнида МАТТ томонидан мингдан ортиқ террор ҳодисаларининг олди олинди. ШХТ доирасида маданий ва гуманитар соҳаларда алоқалар ривожланиб бормоқда. Мамлакатлар ўртасида талабалар ва ўқитувчи-профессорлар алмашувлари йўлга қўйилган. Санъат соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўтган йили бўлиб ўтган саммитда ШХТ раислиги Ўзбекистонга ўтди. Ўзбекистоннинг ШХТда раислик қилиши даврида ушбу ташкилотнинг ривожланишига, ташкилотнинг халқаро алоқалари, ҳуқуқий ва меъёрий асослари мустаҳкамланишига хизмат қилди. Таҳлилчилар томонидан Ўзбекистон ҳамиша ўзининг ШХТдаги раислигига аниқ ва мувозанатлашган ёндашув билан қараши, мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг нуфузини кўтариш мақсадида фаол ҳаракат қилиши таъкидланди.



## ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

**Шу кунларда Тошкентда ШХТга аъзо мамлакатларнинг Кино кунлари давом этмоқда.**



### КИНОФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИ:



**Сергей БЕЗРУКОВ (киноактёр, Россия):** — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент халқаро кинофестивалининг қайта тикланиши ниҳоятда муҳим воқеа бўлди. Чунки кино санъати соҳасида ҳам бугунги ўтмиш билан боғлайдиган ришталар узилмаслиги керак. Тошкентда Бутуниттифоқ кинематография институти филиали очилгани жуда яхши бўлибди. Бу олий ўқув юрти ривожига фақат Москва ва Ростов-Донда эмас, балки Тошкентда ҳам ўз ҳиссамни қўшаман, деган умиддаман.

**Адай АБЕЛЬДИНОВ (Миллий кинони қўллаб-қувватлаш давлат маркази бош продюсери, Қозоғистон):** — Аньанага мувофиқ, Тошкент халқаро кинофестивали бизни жуда самимий қарши олди. Ўтган йилги фестивалда 14 нафар мутахассис қатнашган бўлса, бу гал сафимиз анча кенгайди. Жуда самимий, илиқ кутиб олишди, ҳаммаси юқори даражада ташкил қилинган. Бунинг учун, аввало, Президент Шавкат Мирзиёевга, халқингизга миннатдорлик билдираман. Ушбу фестивалнинг дастуридан ҳам кўриниб турибдики, барча қатнашчилар жуда катта таъриба ва илҳом билан юрларига қайтадилар. Фестиваль доирасида Қозоғистон кинони кунлари очилиши муносабати билан дебютант режиссёр Алдияр Байрақимовнинг "Паралимпиячи" фильми намойиш қилинди. Биринчи бор ушбу фестивалда намойиш этилган мазкур фильм томошабинларга маъқул бўлди. Бундан хурсандимиз.



### Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 115 йиллиги

**Маълумки, 1934 йил кузида ёзиб тугалланган "Сароб" романи Абдулла Қаҳҳорга чинакам шўҳрат келтирди. Республика танловида ғолиб бўлган адибга мукофотга қўшиб иттифоқ бўйлаб саёҳат қилиш йўлланмаси ҳам берилди.**

## ҚАҲҲОРОНА МУТОЛАА

Саёҳатни Москвадан бошлаган ёзувчи, асосан, китоб дўконларини кўздан кечирди. У пайтлар рус ва жаҳон адабиёти но-маяндларининг асарлари тақчил, мавжуд китоб дўконларидан деярли топилмасди. Москвадаги китоб дўконларини эринмай кўздан кечирган адиб Толстой, Чехов, Тургенов, Горький, Лермонтов, Гоголь, Белинский, Достоевский каби қатор машҳур ёзувчи, шоирларнинг тўла асарлар тўплами билан қайтди. Аввал Чеховнинг йигирма икки жилдлигини, сўнг Толстойнинг асарларини кунт билан ўргана бошлади.

"Шундан кейин, — деб ёзади адиб, — рус адабиёти дунёсига шўнғиб кетди... ҳар бир ёзувчини чуқурроқ ўрганишга, унинг мартабасини улуғ, асарларини гўзал қилган сирлардан воқиф бўлишга киришдим. Шу мақсад билан ишни Чеховдан бошладим... Бунинг натижаси жуда тез кўринди. Шундан кейин ёзган ҳикояларим

олдинги ёзган ҳикояларимдан жуда катта фарқ қилиб, танқиднинг баҳосига кўра, бу ҳикояларда "ёрқин чизилган образлар" пайдо бўлди".

Абдулла Қаҳҳор нафақат машҳур рус ва жаҳон ёзувчилари асарларини кунт билан ўрганиб, бадий маҳорат сирларидан баҳраманд бўлди, балки Ойбек, Фафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Саид Аҳмад, Шўхрат, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов каби забардаст ёзувчи, шоирлар ва адабиёт оstonасига эндигина қадам кўяётган Хусниддин Шарипов, Ўлмас Умарбеков, Ўтқир Ҳошимов, Шўкур Холмирзаев, Учқун Назаров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиёва, Гулчеҳра Нуриллаева сингари ёшлар ижодини ҳам муносабат қўзиб, уларга маслаҳатлар бериб турди.



## АДИБ ХОТИРЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги Абдулла Қаҳҳор уй-музейи билан ҳамкорликда ХХ аср ўзбек адабиётининг йирик намоёнаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 115 йиллиги ҳамда "Абдулла Қаҳҳор уй-музейи" ташкил этилганига 35 йил тўлгани муносабати билан "Абдулла Қаҳҳор — тенгсиз ижодкор" мавзусида адабий тадбир ўтказилди.

Тадбирда Адхамбек Алимбеков, Шарифа Салимова, Жиззах давлат педагогика университети профессори Усмонжон Қосимов, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Санобар Матлубова, олима Марҳабо Қўчқорова ва бошқалар сўзга чиқди.

— Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг софлиги учун курашган ижодкор, — деди Адхамбек Алимбеков. — Унинг таржималари, драмалари, публицистикаси бир-бирига уйғун асарлардир. Бу эса адиб тилининг бойлигидандир.

Шу кунларда ёзувчининг ижодини ёшларга чуқур ўргатиш мақсадида Абдулла Қаҳҳор уй-музейида хотира кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар, китоб тақдимотлари ва кўча кўргазмалар, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

АКС САДО

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАЛБ АРДОҒИДА

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг шу йил 9 сентябрь сонидан чоп этилган академик Наим Каримовнинг "Бир ғазал тарихи" сарлавҳали мақоласида қаламга олинган мавзуга биз ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида дуч келган эдик. Ўшанда камини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши (ҳозирги Давлат бошқаруви) академиясида ишлар эдим. Академия қошида "Устоз" жамғармаси ташкил этилган эди. Мен асосий ишимдан ташқари "Устоз" жамғармаси тинловчиларига Миллий маънавият асослари фанидан дарс ўтардим. "Устоз" жамғармаси раҳбари мақолада тилга олинган Абдуҷаббор Абдувоҳидов эди. Дарс олдида ёки танаффус пайтида баъзан Абдуҷаббор ака билан суҳбатлашиб қолардик. Ана шундай суҳбатлардан бирида у киши боболари Тавалло тахаллусли шоир бўлиб, машҳур "Ўхшайди-ку" ғазали уларнинг қаламларига мансублиги ҳақида фахрланиб гапириб қолдилар. Мен атоқли хонанда Тавакқал Қодиров ижросида машҳур бўлиб кетган ушбу ғазал шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қаламига мансуб эканлигини билардим. Чунки менинг уйимда Ҳамзанинг беш томлик тўла асарлар тўплами бор ва у менинг мутолаамдан ўтган эди. Бундан ташқари, мен бу ғазалини болалигимдаёқ ёд билар, ашуласини яхши кўганимдан хиргойи қилиб турардим. Шундай бўлса-да, мен суҳбатдошимга эътироз билдирмадим. Аввало, суҳбатни бузгим, суҳбатдошимни ранжитгим келмаса, иккинчидан, баҳслашадиган вазият эмас, мен дарсга шошиб тургандим. Қолаверса, бу шунчаки оғзаки айтилган гап, ўрни келса, муносабат билдирарман, деб ўйладим.

Энди маълум бўлишича, орадан кўп йиллар ўтиб, шу янглиш маълумот Эркин Воҳидов ҳақидаги хотира китобга ҳам тушибди. Афсуски, мен бу китобдан ола олганим ва унда бу маълумотни кўрганим йўқ. Хатга тушдинг — ўтга тушдинг дейилганидай, нуфузли илмий-адабий доиралар ўқийдиган китобга кирган оғзаки маълумот расмийлашади, ҳужжатга айланади. Энди унга муносабат билдирмаса бўлмайди. Кўплаб китобхонларни чалғитади. Таассуфки, кейинги пайтда бундай хотира китоблар ва китобга киритишга арзимайдиган таги йўқ гаплар кўпайиб кетди. Шунинг учун устоз Н.Каримов "Ўхшайди-ку" ғазалининг ҳақиқий тарихини ёритиб, жуда керакли, тўғри иш қилганлар.

Буюк жаҳид алломалар авлодида мансуб Тавалло бошқа бир шоирнинг асарини ўз номига ўзлаштирилишига муҳтож эмас. Халқимиз ўтмишида, миллий адабиётимиз тарихида Таваллонинг ўзига хос ўрни, ўчмас асарлари, хизмати, ўлмас шон-шўхрати бор. Унинг қадрли мероси ҳам нашр этилиб, илмий ўрганилиб, ўқитиб келинмоқда.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,  
филология фанлари доктори,  
профессор

# ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ВА ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асоси ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. Ушанда собиқ Иттифоқ ва Хитой ўртасида чегара муаммоларини тинч йўллар билан ҳал қилиш куннинг асосий масалаларидан бири эди. Совет Иттифоқи тарқаб кетгач, Хитой Марказий Осиёдаги ўз қўшилари билан ҳудудий масалаларини замонага мос равишда ҳал этишга қарор қилди. Шу тарихда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари очилди. Қулай сиёсий муҳит туфайли 1996 йилда минтақада янги — “Шанхай бешлиги” деб ном олган ташкилот ташкил топди. Марказий Осиё муаммоларини Ўзбекистоннинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмаганини таъкидлаган Россия ва Хитой тақлифи билан 2001 йили Шанхайда бўлиб ўтган “Бешлик” саммитида Ўзбекистон ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бу билан Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз стратегик манфаатларидан келиб чиқиб, минтақада барқарорликни мустақамлашда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликка тайёр эканлигини намоён этди. Таҳлилчилар турри таъкидлаганидек, Ўзбекистон ташкилотга қўшилмади, балки ташкилотнинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди. Ўзбекистоннинг ШХТда иштироки мазкур ташкилотни мустақамлаш билан бирга, минтақавий муаммолар ечимини тугал ва самарали бўлишини таъминлади. ШХТнинг Ўзбекистон манфаатлари билан ҳамоҳанг жиҳати бор. “Учта ёвуз куч” — халқаро терроризм, диний экстремизм ва айирмачилик, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо мамлакатлар билан мавқеи деярли бир хил.

Бугунги кунда жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ШХТга 8 та — Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон ва Хитой аъзо. Афғонистон, Беларус, Эрон, Мўғулистон кузатувчи мақомига эга. Озарбайжон, Арманистон, Комбоджа, Непал Федератив Демократик Республикаси, Туркия, Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси эса «Мулоқот бўйича ҳамкор» мақоми берилган.

Халқаро экспертлар Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги доирасида ШХТнинг нуфузини янада мустақамлаш ва фаолиятининг ривожланиши йўлида муҳим қадамлар қўйилганлигини эътироф этишди. Ўзбекистон ШХТга жами тўрт марта — 2005-2006, 2009-2010, 2015-2016 ва 2021-2021 йилларда раислик қилган. Мана шу даврларда Ўзбекистон 54 та ташаббусни илгари сурди ва уларнинг асосий қисми амалиётга жорий этилди. Масалан, ШХТ доирасида минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этиш мамлакатимизнинг тақлифи бўлиб, ҳозирда бу тузилма Тошкент шаҳрида фаолият олиб бормоқда. Яна бир муҳим ташаббус — ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш ме-

ханизмини ишлаб чиқиш бўлган.

2021-2022 йилларда ташкилотга Ўзбекистоннинг раислик қилиши кейинги 6 йилда амалга оширилган жадал ва очик ташқи сиёсатимизнинг махсули, унинг мантиқий давоми бўлди. Ўзбекистон томонидан ШХТга раислик даврида барча ҳамкорлик соҳаларида 80 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Ўзбекистон томони ҳамшиша ташкилотнинг янада ривожланиши борасида аниқ ва прагматик ёндашувга амал қилди. Ўзбекистон нафақат сиёсий йўналиш, балки иқтисодий йўналишда, транспорт коммуникацияси масаласини ҳал этишда, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга татиқ қилишда ташкилот самарадорлигини янада ошириш борасида жиддий мулоҳаза юритади.

Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик” сарлавҳали мақоласи оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқларда эълон қилинди. Мазкур мақолада давлатимиз раҳбари томонидан ташкилотнинг иқтисодий аҳамиятига асосли баҳо берилди.

Мақола маҳаллий ва хорижий нашрлар муҳбир ва экспертлари, зиёлилар, кенг жамоатчилик томонидан қизиқиш билан қабул қилинди. Унда илгари сурилган фикрлар юзасидан экспертлар ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Самарқанд саммитига Покистон эксперт доиралари вакиллари ўз муносабатини билдирди. Жанубий Осиё ва халқаро тадқиқотлар марказининг ижрочи директори, доктор Махмуд ул-Ҳасан Хоннинг айтишича, 2017-2021 йиллар даврида Ўзбекистон Президенти сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган 45 та муҳим ташаббус билан чиқди. Ушбу тақлифлар ШХТ саммити кун тартибига киритилди. Улардан 22 таси амалга оширилган, 23 таси амалга оширилиш жараёнида. Ўзбекистон ШХТга раислик қилган даврда 80 га яқин муҳим тадбирларни ўтказишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчиларининг музокаралари бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Ш.Ҳафиз Шариф ўзаро савдо ҳамини ошириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари сурдиш имкониятларини муҳокама қилишди. “Умумий келажак жамияти” таҳлил марказининг ижрочи директори Халид Таймур Акраминг сўзларига қура, Ўзбекистон раислиги жараёнида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ушбу ташкилот доирасида бир қанча муҳим тадбирлар ўтказилди, улар ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

“Шуни таъкидлаш жоизки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ушбу минтақанинг овози бўлиб қолди. Шу ўринда мен Ўзбекистоннинг ушбу тадбирни ўтказиш билан

боғлиқ ҳамма чораларни аъло даражада амалга оширгани билан табриклашни истар эдим”, деди Халид Таймур Акрам.

Умон Султониликнинг “Arkan Majan Al Mumayaza Trading & Contracting LLC” инвестиция компанияси бош директори Мустафо Али Мухтор ал-Лаватийнинг айтишича, Ўзбекистоннинг раислиги даврида ўтказилган тадбирларда муҳим келишувларга эришилди, истиқболдаги режалар келишиб олинди.

Исроилнинг “MIGnews” электрон нашрида Самарқанд саммитига бағишланган мақола чоп этилди. Унда таъкидланишича, мустақилликнинг ўтган 31 йиллик даврида ҳеч қачон мамлакатимизда бунчалик кўп — 14 давлат ва ҳукумат раҳбарлари бир даврага музокара ва фикрлашув учун йиғилган эмас. Бу, шубҳасиз, давлатимизнинг халқаро микёсда обрў-эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.

Дарвоқе, Самарқанд саммити доирасида Эрон Ислому Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақоми олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланди.

ШХТ Бош котиби Чжан Минг бу кунни Эрон учун ҳам, ташкилот учун ҳам муҳим кун дея таъкидлади.

Эроннинг иштирокчи давлатлар гуруҳига кириши Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мустақамлайдди. Меморандумда кўзда тутилган барча мажбуриятлар бажарилгач, Эрон Ислому Республикаси ШХТнинг тўлақонли аъзосига айланади.

Бугунги халқаро майдонда юксак салоҳиятли мамлакат бўлиши Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин билан кечган музокаралар айниқса сермахсул бўлди. Давлат раҳбарлари Қўшма баёнот имзолаларди. Унда асосий келишувлар кайд этилган, ҳар томонлама стратегик шерикликнинг бугунги ҳолати ва уни мустақамлаш истиқболлари ақс этган. Хитой Халқ Республикаси Раиси «Олий Даража Ли Дўстлиги» ордени билан тақдирланди.

Ташкилот муваффақиятининг калити кўп қиррала ҳамкорлик ва очиклик билан боғлиқ экани барчага аён. Шу боис ҳам тузилма очик мулоқот, минтақаларо тенг шериклик учун мос ва қулай майдон сифатида намоён бўлмоқда. Бу гапни Саммитнинг Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Самарқанд Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган 2750 йиллик тарихга эга шаҳар бўлиб, азалдан цивилизация маркази, Фарб ва Шарқни боғловчи кўприқдир. Кейинги йилларда бир қанча йирик форумларга мезбонлик қилгани боис халқаро дипломатияда “Самарқанд руҳи” деган тушунча пайдо бўлди. Таҳлилчиларнинг ишонч билан айтилишича, Самарқанд саммити йирик сиёсий ва дипломатик форумга айланган ва ташкилотнинг кейинги эволюцияси йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихга муҳрланди.

**Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,**  
сиёсий шарҳловчи

**Самарқанд қадимдан жаҳон аҳли нигоҳидаги муаззам шаҳар, маърифат, илм-фан, ҳунармандчилик ва савдо-сотик, миллий давлатчилигимиз тамоийллари тараққий топган, Буюк ипак йўли чорраҳасида Фарбу Шарқни боғлаб келган улуг маскандир. Айни кунларда ҳам қадимий ва ҳамшиша навқирон шаҳар ёруғ юз билан ШХТнинг 22-саммитига мезбонлик қилмоқда.**

## ДУНЁНИНГ НИГОҲИ САМАРҚАНДА

Президентимиз «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик» номли мақоласида таъкидлаганидек, “Кўп йиллик биргаликдаги тажрибаларимизга таяниб ишонч билан айтаемизки, ШХТнинг Самарқанд саммити умумий хавфсизлик ва тараққий йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади”.

Самарқанд меҳмонларни янги замонавий ва юқори технологик салоҳиятга эга аэропортда кутиб олди. Аэропорт терминалининг биноси буюк олим Мирзо Улугбекнинг “Зижи Жадиди Қўрагоний” асарини ифодаловчи “очик китоб” шаклида. Томида юлдузлар туркуми тасвирланган. Бу — сайёҳлар ва меҳмонларга буюк астроном Мирзо Улугбекнинг инсоният илм-фани ва тамаддуни ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини яна бир бор эслатади.

Дарҳақиқат, саммит арафасида Самарқандда қулай ҳамкорлик муҳити, жаҳон андозларига мос муҳташам ва замонавий, соатиға 800 нафар йўловчи хизмат кўрсатиш имкониятига эга аэропорт, Халқаро туризм маркази қурилди. Марказ ҳудудида жами ўн та объект бунёд этилди — саккизта меҳмонхона, Конгресс холл ҳамда Карвонсарой мажмуаси халқаро анжумани ўтказиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Шаҳар кўчаларидаги ШХТ ва унга аъзо мамлакатлар байроқлари, саммитга бағишланган афишалар юртдошларимиз ва меҳмонлар қалбига ёрқин кайфият улаштириб турибди.

Сервис хизматини аъло даражада таъминлаш мақсадида Туризм техникуми ҳамда “Ипак йўли” халқаро университети ҳамкорлигида “Ресторан ва кафеларда хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатувчилар учун йўриқнома”, “Меҳмонхоналарда хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатувчилар учун йўриқнома” лар ишлаб чиқилган. Бу каби тадбирлар жараёнида вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган аналитик назорат бўлими мутахассислари “Мобил лаборатория” ёрдамида мазкур мажмуада фонорий назоратлар ўтказди. Айни пайтда дунёга кучок очган Самарқанд кенг ва раvon йўллари, боғлари ва хиёбонлари, фаворалари билан ажиб тароват касб этган. Ўтмиш ва бугун йўнлашган азим шаҳарда азалий қадриятлар — халқлар

дўстлиги, ҳамжиҳатлик ва тотувлик ҳисси ҳукмрон.

Саммитга тайёргарлик арафасида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан вилоятда улкан лойиҳани амалга оширишга киришилди — Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали бўйида 212 гектар майдонда мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меймор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунёдкорлик ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари иштирок этди.

Бугун эътирофларга сазовор бўлаётган туристик марказнинг “Буюк ипак йўли” деб номланишида теран маъно бор. “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган тасвирлардан фойдаланилган.

“Бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий аъналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деб ишонаман” деди Президентимиз мажмуанинг очилиш маросимига сўзлаган нутқида.

Йилига икки миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш имконига эга мазкур марказнинг “Конгресс холл” мажмуасига кирверишда “Кўёш” деб номланган муҳташам Ҳайкал бунёд этилган, унинг бугун янги Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар, тараққий ва юксалишнинг рамзи дейиш мумкин. Икки йил давомида ишланган ҳайкал ўзининг улғурлиги, маъно-моҳияти билан Янги Ўзбекистоннинг истиқболи янада порлоқ бўлишига ишоради. Шунингдек, кўёш композицияси Шарқнинг юксак тафаккури ва саховатини ҳам ўзида мужассам этган.

Халқаро анжуманлар арафасида Самарқандда адабий дўстлик, қардош халқлар адабиётининг етук намоёндаларига ҳурмат кўрсатилиб, уларнинг ҳайкаллари ўрна-тилди, ўзаро ижодий мулоқот майдонлари ташкил этилди. Саммит олдинда буюк шоир Абдулқосим Фирдавсий майдони ташкил этилиб, ободонлаштирилди.

Шунингдек, “Панжоб” мадрасаси биносида кутубхона, музокара ва учрашувлар ўтказиладиган хона ташкил этилди ҳамда “Ўзбекистон — Эрон дўстлик жамияти”нинг иши фаоллаштирилди. Шаҳардаги Рудакий

номидаги серкатнов кўча тўла реконструкция қилиниб кенгайтирилди. Худудда катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мазкур кўчанинг Бўстонсарой кўчаси билан кесишган чорраҳасида замонавий йўлтуказгич қурилиб, Рудакий майдони ташкил этилди. Таниқли ҳайлакта-

рош Туркман Эсонов улуг адибнинг салобатли ҳайкалини яратди. Рудакийнинг энг сара рубоийлари жамланган китоб тайёрланиб, ўзбек ва тожик тилларида чоп этилди.

Сентябрь ойи бошида “Ипак йўли” халқаро туризм ва маданий мерос университетига ШХТга аъзо давлатлардан келган расомлар “Ижодий асарларимизда Шанхай руҳи” номли халқаро кургазма учун сурат чизишни бошлаб беришган эди. Анжуман доирасида Ўзбекистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия Федерацияси ва Тожикистондан келган қирққа яқин расом ижодий ишларини намоиш қилди.

— Ўн олти йилдан буён архитектура ва портрет йўналишида расм чизаман, — дейди Ҳиндистонлик расом Баҳабани Санкардас. — Ижодий ишларим кўплаб халқаро кургазма-ларда намоиш этилган. Аммо Самарқандга биринчи марта келиб, нуфузли халқаро кургазмада иштирок этаяман. Ўзбекистонга келганимда икки аёлни учратдим, улар кўз олдимда Мона Лиза каби гавдаланди ва ўзбек аёли тимсолини яратдим.

Самарқанд шаҳридаги “Чорсу” галереясида “Ижодимизни бирлаштирган Самарқанд руҳи” номли халқаро кургазма ташкил этилди. Унда Ташкилотга аъзо ва бошқа мамлакатлар расомлари иштирок этди. Мазкур кургазма ШХТга аъзо давлатларнинг маҳоратли расомларини бирлаштирди. Албатта, бу санъат соҳасидаги алоқаларни мустақамлаш, ижодкорлар билан тажриба алмашишга ёрдам беради.

Саммит олдинда ташкилотга аъзо давлатлар фотограflари ҳам Самарқандга етиб келди. Улар билан Шоҳи Зинда мажмуасида учрашув ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Эрон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва бошқа давлатлардан келган йигирмага яқин фотограф мамлакатимиз, шу жумладан, Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обиди ва қадамжоларидан суратлар тайёрлаш ва уни халқаро кургазмада намоиш этишни мақсад қилишгани таъкидланди.

Ҳа, бугун дунёнинг нигоҳи Самарқандда. Мазкур халқаро анжуман иштирокчи мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги, янада самарали қирраларини кашф этишига хизмат қилади.

**Топшўлат ТУГАЛОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Самарқанд вилоят бўлими раҳбари

**Юртимизнинг исталган манзилга бориб кўринг, ўзгаришлардан, янгиланишлардан беихтиёр ҳайратга тушмай ложингиз йўқ. Қад ростлаётган замонавий турар-жойлар, гузарлар, меҳнаткаш халқимиз мароқли ҳордиқ чиқариши учун барпо этилаётган масканларни кўриб кўзингиз қувнайд. Буларнинг замирида инсон қадри унинг улуг зот эканлигига ишорани ҳар бир юртдошимиз теран ҳис қилиши аниқ.**



Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз деган теран мазмун ва моҳият касб этган даъватлар юртдошларимиз қалбидан чуқур ўрин олди. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки инсон буюк яратувчи кучдир. Буюк ишларга қодир бўлган инсонлар меҳнат қилиш билан бирга, ҳордиқ олишлари учун яратилаётган шароитлар ҳам бугунги кунда юқори савияда, дея оламиз. Юртимизнинг турли масканларида меҳнаткаш халқимизнинг мароқли дам олишлари учун кўплаб сийҳатгоҳлар ва орамгоҳлар барпо этилган бўлиб, бу соҳадаги кенг кўламли ишлар янада ривож топмоқда. Ана шундай манзиллардан бири 2019 йилдан ўз фаолиятини юрита бошлаган Зомин туманидаги “НКМК” сийҳатгоҳидир. Ушбу дам олиш маскани Зомин туманининг Туркистон тоғ тизмаси шимолий қиялигида денгиз сатҳидан

1640 метр балангликда жойлашган. Санаторий олти қават бўлиб, бир юз эллик ўринга мўлжалланган. Ҳар бир хона замонавий компьютер, интернет(Wi-Fi алоқа), телевизор билан жиҳозланган. Дам олувчилар учун 150 ўринли ошхона мавжуд. Йигирма ўринга мўлжалланган кутубхонада 744 та бадий китоб ва 2500 дан ортиқ бадий асарни ўз ичига жамлаган электрон кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 150 ўринли концерт зали, “Амфитеатр” мавжуд. Ҳовлиси ва холлари манзарали гуллар ва дарахтлар билан безатилган. Худуди кўкаламлаштирилган ва марказлаштирилган иситиш тизими билан таъминланган. Маскан, асосан, Навоий кон-металлургия комбинати меҳнат жамоасига реабилитация ва физиотерапевтик муолажалар учун мўлжалланган.


**Баҳориди ХОЛИҚУЛОВ,**  
врач-мутахассис:

— Санаторий даволаш-профилактика муассасаси бўлиб, меҳнат фахрийлари ва нурунийлар саломатлигини тиклаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлигини мустақамлашга қаратилган бўлиб, бир вақтда саксондан зиёд дам олувчини қабул қилади. Маскан Германия, Буюк Британия, Россия давлатларида ишлаб чиқарилган тиббий анжомлар билан жиҳозланган. Кислородли ингаляция, доривор аэрозолли ингаляция, гидроколлоидотерапияга мўлжалланган ичакларни ювиш, физиотерапия, электр уйку, массаж хоналари мавжуд, уларда малакали ҳамширалар фаолият юритади. Булардан ташқари, даволанувчилар фитобарда табиий гиёҳлардан тайёрланган дамламалар истеъмол қилишлари учун шароит яратилган. Спортнинг футбол, волейбол, теннис турлари билан шуғулланиш учун хоналар ва майдонлар ҳам дам олувчилар ихтиёрига берилган. Шу билан бир қаторда ёш болалар учун кўнгличор уйингоҳлар ҳам мавжуд.

**Қаҳрамон БОЗОРОВ,**  
чилангар:

— Корхонада иш бошлаганимга салкам ўн йил бўлди. Бу дам олиш масканга биринчи келишим. Зомин бағрида шундай сийҳатгоҳ борлигидан ҳайратга тушдим. Яхши ишлагандан кейин яхши дам ҳам олиш кераклигини ҳис қилдим. Манзараси, айниқса, иқлими кишига завқ беради. Ҳар кўни эрта тонгдан, ҳали бобоқўёш тоғ оралаб ўз заррин нурла-

## ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ



рини таратмасдан арчозорлардан таралаётган ёқимли ҳаводан симириб нафас олам. Бу ерга келган биринчи кунларим рафиқам Нодирахон билан бироз беҳаловат бўлдик. Шифокорлар биздан хабардор бўлишди. Қон босимимиз бир оз кўтарилган экан. Эртасидан ҳаммаси ўз изига тушиб кетди. Бу ерда хизмат қилаётган Раимов Салоҳиддин, Ўсарова Фарангиз, Дўстматов Азизбек, Пардаева Дилфуза каби тиббиёт ходимларидан миннатдоримиз. Дам олувчиларнинг янада мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун санаторий маданият бўлимининг раҳбари Шерзод Жабборов кечки концерт дастурларини тайёрлашда жонбозлик кўрсатиши таҳсинга лойиқ. Кечки овқатдан сунг Жиззах шаҳридан келган санъаткорлар, сўз усталари иштирокидаги тадбирлар киши кайфиятини янада кўтаришга хизмат қилди. Аввало, ана шундай шароитларни яратиб берган Юртбошимизга чексиз миннатдорлигимизни билдираемиз.

**Искандар ота, меҳнат фахрийси:**

— Саккиз фарзандим бор. Аёлим билан фарзандларимизни олий маълумотли қилдик. Ҳозирда набираларимнинг ҳам аксарияти олийгоҳларда таълим олмақда. Тўрта фарзандим шу қомбинатда меҳнат қилади. Фарзандларим туфайли, шу жойга келиб ҳордиқ чиқаряпмиз. Тўрт томони тоғлар билан ўралган шундай гўзал маскани қуриб берган Юртбошимизга раҳмат айтаемиз. Республикаимиздаги кўпгина сийҳатгоҳларда бўлганман. Бу жойнинг об-ҳавоси, манзараси жуда ўзгача экан. Дастурхондаги ноз-неъматлар, бири-бирдан ширин таомлар киши танасига шифо бўлгудек. Ҳамширалар кўрсатаётган муолажалар эса ундан-да аъло. Яна бир нарсани айти-

шим лозим. Президентимиз ташаббуси билан ижодкор зиёлилар дам олишлари учун ҳам шароитлар яратилгани кўпчилигини қувонтирдим. Келганимиздан бери пойтахтда ижод қилаётган Умида Абдуазимова, Тоҳир Қаҳҳор, Вафо Файзуллоҳ, Асрор Мўмин, Баҳор Холбекова, Норинисо Қосимова каби шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, шеърят кечалари ташкил қилганини дам олувчиларда катта таассурот қолдирди.

**Зоиржон НОРМАМАТОВ, ҳайдовчи:**

— Бу ерга иккинчи бор келишим. Манзаралар шароитлар ҳаммаси бошқача бўлиб кетибди. Уч маҳал иссиқ овқат. Мевалар, турли шифобахш ичимликлар, гўшти ва сутли маҳсулотлар дастурхонни безаб туради. Нонушта, тушлик ва кечки дастурхонларни тайёрлаб, яна камчиликлардан хабар олиб турган моҳир ошпаз чойпазлар, юғирб-елиб хизмат қилаётган ходимлар меҳнати таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари, Зомин шаҳрининг диққатга сазовор ерлари ва тоғ тизмалари ҳудудидаги мўъжизага бой жойларга уюштирилган сёа-хотлар киши дилини янада яйратади. Зоминнинг эрта тонгини шунчаки мўъжизага қиёслаш мумкин. Оқшоми эса, эртақларда таърифланганидек, бетакрор, гўзал ва сирли. Бу ерда олинган ҳордиқ, албатта, эртанги меҳнатга кўтаринчилик бахш этишига шубҳа йўқ.

Бундай шукроналик сўзларини меҳр ва муҳаббат билан изҳор қилаётган бунёдкор халқимиз вакиллари-дан эшитиш мароқли. Инсон меҳнати қадрланган юрдада барака бўлади, тинчлик бўлган юрда юксали бўлади. Зеро, тинч, осуда юртга тўйлар, байрамлар ярашади.

**Асрор СУЛАЙМОНОВ**

## Гуландом TOFAEBA

## БИР АЖИБ ОРЗУ



\*\*\*

Қайсидир кўнгилни йиғлатади май,  
Қайсидир булбулни хор қилар чаман.  
Қаноти кесилган бир қуш бўлсам ҳам  
Сенинг хузурингга учаман.  
Тоғ–довон ошаман судралиб беҳуш,  
Нозик оёғимга кирса ҳам тикан.  
Ўзга ошиқларни кўрсанг ҳамки туш,  
Сенинг хузурингга учаман.  
Ташнадан қочади ариқларда сув,  
Сўқирдан қуёш ҳам нуруни аяр.  
Сенинг хузурингга чоғганим сайин  
Ўртада масофа фақат кенгаяр.  
Ҳар тонг гунчасини кўз-кўз қилар боғ,  
У-ла топишай деб ўзим йўқолдим.  
Айбим – кучоғингдан изладим ардоғ,  
Сен менга кераксан нондан ҳам олдин!  
Мен – ёлғиз, мен – ношуд, уқпардай вужуд,  
Забардаст тоғларга урилсам экан!  
Шунда ҳам заррага айланиб қолиб,  
Ғунча япроғингни кучаман.  
Қизнинг қўлларини кутган ялпиздек,  
Инжа дийдорингга зорман, ташнаман.  
Лаблардан узилган энг тансиқ сўздек –  
Сенинг хузурингга учаман...

\*\*\*

Бу кун қуйламоққа қўлларда соз йўқ,  
Қаламлар ҳам синган, давот-қоғоз йўқ,  
Лайлимиз Мажнунсиз, таърифга сўз йўқ,  
На қошинг умиди қолди, на қаддинг,  
Оламни қилди вайрон ўзгага муҳаббатинг!

Кўзлардан қонлар оқар, тун, тонглр оқар,  
Шақари нозанин деб, бағримни фироқ ёқар,  
Энди у пок билакка бошқалар узук тақар,  
На қошинг умиди қолди, на қаддинг,  
Оламни қилди вайрон ўзгага муҳаббатинг!

Ёр ўзгани ёр деркан, дўстларим ношод бўлди,  
Ғофилу беҳуд қолдим, толганим ижод бўлди,  
Ғанимлар обод бўлди, муҳаббат барбод бўлди,  
На қошинг умиди қолди, на қаддинг,  
Оламни қилди вайрон ўзгага муҳаббатинг!

## Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Саид Аҳмад “Тортиқ” номли илк ҳикоялар тўплами чиққач, еру кўкка сизмай юради. Китоб Абдулла Қаҳҳорнинг қўлига тушиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журналида қаттиқ танқидга учрайди.

“Ўқиб, кўзларим тиниб кетди. Бошим айланиб, ўтириб қолдим, — деб хотирлайди Саид Аҳмад. — Абдулла Қаҳҳор китобдаги биронта ҳикояни кўнгил учун ҳам дуруст демаган. Ҳаммасини “брак”ка чиқарган. Кошки эди, айтадиган гапларини илмиқ-иссиқ қилиб айтган бўлса, ачитиб-ачитиб айтган. Ҳозирги савиям билан ўқисам, у кишининг айтган гаплари юз фоиз ҳақ эканига тан берардим. Аммо мен ўша пайтларда гирт гўдак “ёзувчи” эдим. Адабиёт ҳақидаги илмим Ғафур Ғулломнинг тўртта, Абдулла Қаҳҳорнинг олтига ҳикояси берган илм эди. На роман ўқиганман, на адабиёт назариясини биламан. Қизик бир воқеани олиб, охирида қизик қилиб тугатсам ҳикоя бўлади, деб ўйлардим. Мақолани ўқиганимдан кейин ҳар хил ўйларга бордим”.

Кунлардан бир кун Саид Аҳмад Абдулла Қаҳҳор билан тўйда учрашиб қолади. Домла кўк чой дамлаб келишини сўрайди. Саид Аҳмад атайлаб суюқ қилиб памил чой дамлаб келади. Домла “ёш ёзувчи”га ҳеч нарса демай, бошқа одамга кўк чой дамлаттиради. Сал фурсат ўтиб, адиб Саид Аҳмадни хузурига чорлаб дейди: “Сиз ғалати одам экансиз-ку. Шу билим, шу савия билан ёзувчи бўламан деб юрибсизми? Биронта роман ўқимай, адабиёт назариясини мутлақ билмай, атрофда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилмай ёзувчи бўлмоқчимсиз? Ўқинг, кўп ўқинг. Чеховни ўқинг, Мопассанни ўқинг, Шечдринни ўқинг. Русча биласизми? Ана, билмайсиз. Маълумотингиз ҳам ўрта экан. Шеърда бахши бўлиб ўрта маълумот билан кун кўрса бўлар-ку, аммо прозада бахшилик кетмайди. Ҳатто кўчалардаги вивескаларни, кино афишаларини ўқиб русчани ўрганса бўлади. Майли, ёзинг. Аммо ўйлаб ёзинг. Ёзганларингизни менга опкелинг. Ўқиб, қўлимдан келганча тушунтириб бераман”. Шу-шу, улар яқин бўлиб қоладилар. Саид Аҳмад ҳикоя ёзиб келаверади, Абдулла Қаҳҳор кайтараверади.

Бу орада адиб Чехов ҳикояларини ўзбекчалаштириб, газета ва журналларда эълон қила бош-

лайди. Саид Аҳмад уларни пешма-пеш ўқиб, ўзи ҳам янги-янги ҳикоялар ёзиб, Абдулла Қаҳҳорга ўқитгани шошарди. Устоз шогирд ҳикоясини ҳамон ўша қаттиққўллик билан нигоҳидан ўтказар, ютуғини эътироф этиш билан бирга, нуқсонларини кўрсатиб, маслаҳатлар берарди. Бунинг натижасини Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романида аққол кўриш мумкин. Роман якунида Икромжоннинг қочоқ ўғлини ов милтиғи билан отиб ўлдирishi устозга маъқул бўлмайди.

— Зинҳор–базинҳор бундай қила кўрманг, — дейди Абдулла Қаҳҳор қатъий қилиб. — Ўз боласини ўлдирган отани ўқувчи ланъатлайди. Одам ўлдирган киши ижобий қаҳрамон бўлолмайди. Йўқ, бошқа йўл тутинг!

Асарни даярли қайта ёзишга мажбур қиладиган бу гап муаллифга ёқмайди.



— Кечаси билан ўйлаб чиқдим, — деб хотирлайди Саид Аҳмад. — Тузатишнинг сира олтиси йўқ. Бола ўладими, йўқми, отаси отиши шарт. Отмаса бўлмайди, роман бузилади. Тонготар пайти калламга “ял” этиб бир фикр келди. Юзлаб саҳифаларни тузатмай, сўнгги саҳифаларни бошқатдан ёзмай, бир оғиз сўз билан устоз айтган гапни қилиш мумкин экан. Икромжон ўғлини отади. Аммо ўқ тегмайди. Шунда у “хайрият, тегмади”, дейди. Вассалом.

— Мана бу бошқа гап. Иккита сўз билан бир дунё иш қилибсиз! Энди сизга оқ фотиҳа бердим, — дейди устоз.

“Уфқ” китоб бўлиб чиққач, Абдулла Қаҳҳор уни ўқиб чиқади ва муаллиф билан учрашганда: “Китобингизни мароқ билан ўқидим. Бу яқин орада бунақа роман ўқимаган эдим”, дейди. Муаллиф

Қамишларга куй ўргатган  
офтобзада туробингман.

Эшигингни қарс ёлганинг,  
юзимни арзон толганинг, —  
Нечун менга сабоқ бўлмас,  
нега ҳамон шаробингман?!

Ишқ — имтиҳон, баҳойингни  
Ҳофизлар ҳам беролмаслар, —  
Деворларда осиг қолган,  
кўнгли синиқ рубобингман!...

## ИЗҲОР

Луғатимда кўп сўзлар йўқ азалдан,  
Борлари ҳам “эди” билан тугарди.  
Сен солланиб ойдек тўлган маҳалдан  
Бу луғатнинг шамойили ўзгарди.

Қай гўшадан учиб келдинг, беозор,  
Нафасингда, назарингда ой иси.  
У ёқларда асло йўқми дилозор,  
Эй, ишқимнинг нозли хотамтойиси.

Қайси гулнинг атрин ичиб ўсдинг сен,  
Бунча сенинг ҳаёлларинг муаттар.  
Чақмоқ бўлиб бир кун йўлим тўсдинг сен,  
Энди ҳар кун чақин кўнглим уйғотар.

Қабонингда “ишқ” сўзидан бир жило,  
Уни кўрган басир кўзлар очилар.  
Айт, қалбимни нечун этдинг истило,  
Энди сирлар юлдуз бўлиб сочилар.

Сен — камалак, етти рангда давотинг,  
Сен — капалак, жоним ичра қанотинг,  
Сўра, “Менсиз қандай ўтди ҳаётинг?!” —  
Ҳаётми у? Айтолмадим баётим.

Мижгонимда гар ёш кўрсанг қўявер,  
Кўзим берган закотим у, шукронам.  
Ҳавзи Кавсар овозисан мен учун,  
Жаннатлардан таралган ул таронам.

Сен — ўшасан, Худо менга билдирган,  
Аразлаган, илҳомимни келтирган,  
Сен ғанийсан, йўқларимни йўндирган,  
Буюк сўзсан — луғатимни тўлдирган!...

Қай гўшадан учиб келдинг, беозор,  
Нафасингда, назарингда ой иси...

\*\*\*

Аллоҳ сендай гўзал тақдир яратди,  
Мени ошиқ айлаб, тадбир яратди.  
Гулдан қувват олиб, офтобдан зарра,  
Мендай жунун аҳлин минг бир яратди.

Аввал дор, сўнгра шоҳ Мансур яратди,  
Садафда дур каби унсур яратди.  
Дардингдан сўзласам, шоир дедилар,  
Ҳатто ҳижронингни мансур яратди.

устознинг жилмайиб турганини кўриб, унинг самимийлигига ишонч ҳосил қилади. Орадан йиллар ўтиб, “Уфқ” романи Ҳамза номдаги давлат мукофоти билан тақдирланади. Афсуски, шогирд камолоти кўриш шартисиз насиб бўлади.

Ўлмас Умарбековнинг ҳикояларини республика матбуотида ўқиб юрган Абдулла Қаҳҳор бир кун Саид Аҳмадга: “Шу бола анча пишиб қолди. Келгусида дурустгина ёзувчи бўлади” дейди. Бундан қувонган Саид Аҳмад Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиши учун Ўлмас Умарбековга тавсия ёзиб, иккинчисини Абдулла Қаҳҳордан оламинг, дейди. Икковлари устоз хузурига йўл олади. Устоз уларни очик чехра билан кутиб олади. Ўлмас Умарбековнинг камтарлиги, одоби, ўзини туттиши, фикр доирасининг кенглиги ва, албатта, кўп ўқигани адибни қувонтиради. Сўнг ёш ижодкорга ҳикоялари маъ-

## ҚАҲҲОРОНА МУТОЛАА

қул бўлганини айтиб, маслаҳатлар беради. Тавсияга келганда: “Ҳозир ёзиб беролмайман. Майли, ўн беш кундан кейин ёзиб беришим мумкин”, дейди.

— Қизик гап бўлди-ку. Ўн беш кунда камчилиги бўлса тузалиб, талантли бўлмаса талантли бўлиб қолармиди? — дейди Саид Аҳмад гапни ҳазилга буриб. — Домла, ёзишга ҳозир қоғозингиз йўқми-ди? Бирон жойдан ўн беш кундан кейин қоғоз берамиз, деб ваъда қилишганмиди? Агар хўп десангиз, бир-икки пачка қоғоз бериб туришим мумкин.

— Э, шоир-е, — дейди Абдулла Қаҳҳор кулиб, — қоғоз кўлигидан ёзувчи кўпайиб кетяпти-да. Қоғоз кўп, деб ёстиқдек-ёстиқдек романлар пайдо бўляпти. Гап қоғозда эмас. Гап Ўлмасни эҳтиёт қилишда. Уни ёмон ёзувчилар сафига эмас, яхши ёзувчилар сафига қўшайлик.

“Домланинг жумбоқли гапларига Ўлмас икковимиз тушунолмадик, — деб хотирлайди Саид Аҳмад. — Ўлмас икки кулогигача қизариб, бурнининг учи терлаб, хижолатдан ўзини қаёққа қўйишни билмасди. Абдулла ака бир сўзли одам бўлганидан гапидан қайтмади. Ўлмас икковимиз ўсал бўлиб қайтиб кетди.”

Орадан роппа-роса ўн беш кун ўтгач, Абдулла ака “Муштум”га телефон қилди: “Ўлмасга айтинг, келиб тавсияномасини олиб кетсин”. Абдулла Қаҳҳор “Ўлмас Умарбеков яхши ёзувчи бўлиб

## ЮРАККА ЯҚИН УЙ

## ОТАМНИНГ ЮРТИ

Бободехқон юрти — хотамнинг юрти,  
Момо Ҳаво юрти — онамнинг юрти.  
Имом Бухорийлар дуо қилган эл  
Отингдан айланай,  
Отамнинг юрти.

Алпомишли элим, ёйандоз элим,  
Бойчиборли элим, чавандоз элим.  
Борим пойларингга пояндоз, элим,  
Отингдан айланай,  
Отамнинг юрти.

Тупроғинг сураин кўзларимга мен,  
Юзларим босайин юзларингга мен,  
Балогардон бўлай бўзларингга мен  
Отингдан айланай,  
Отамнинг юрти.

Яқинлардан яқин — яқин керагим,  
Тушимда ҳам аҳволингни сўрагум.  
Ватан ичра Ватаним — Мингтерагим,  
Отингдан айланай,  
Отамнинг юрти.

Нони беминнатим, очик қўлимсан,  
Замашарий битган кўҳна илмасан.  
Боримсан, оримсан, жону дилимсан,  
Отингдан айланай,  
Отамнинг юрти.

Оғриса, дардига дармонлари бор,  
Катта йўлга чиққан қарвонлари бор.  
Улуғлардан улуғ Сорбонлари бор,  
Отингдан айланай,  
Отамнинг юрти!

## ДУОЛАР БЕРГИН

Чертиб юрагимни ёққан торимни,  
Куйлай қонларимда оққан оримни,  
Яратган асрасин гул диёримни,  
Отажон дуо бер, дуолар бергин.

Беқасамин гарди бўлай шу элнинг,  
Айтарлари — дарди бўлай шу элнинг,  
Алпомиши — марди бўлай шу элнинг,  
Отажон дуо бер, дуолар бергин.

Тоғларнинг бошидан ирмоқ истар мен,  
Ул ирмоқ ортидан бормоқ истар мен,  
Дилларим дилларга ёрмоқ истар мен,  
Отажон дуо бер, дуолар бергин.

Сифинганинг ёлғиз ўз бўлсин дея,  
Йўлингга термулар кўз бўлсин дея,

## Аҳрор БАЙЗО



Олганинг олтиндан сўз бўлсин дея,  
Отажон дуо бер, дуолар бергин.

Она дарёларим қўшилар кун бор,  
Солланиб — солланиб эшилар кун бор,  
Кўксимда кўксимга сизмаган ун бор,  
Отажон дуо бер, дуолар бергин.

## ХУШ КЕЛДИНГИЗ

Сирларимиз қор остида излар каби,  
Қалб қаърида айтилмаган сўзлар каби,  
Сизни ҳеч ким соғинолмас бизлар каби,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Унут бўлмас у кунларнинг қўшиқлари,  
Кўнгилянги аллалаган бешиқлари,  
Зор-интизор остонаси эшиқлари,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Кўкрагимнинг кўкидаги оғриқлари,  
Оғриқлари — дил-дилимининг доғлиқлари,  
Доғлиқлари — боғлаб қўйган боғлиқлари,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Йиллар йиқмас солиб кетган кўпригингиз,  
Селлар йиқмас солиб кетган кўпригингиз.  
Соғинчларим соғинчлари — кўпригингиз,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Кўзларимда асраганим — кўзлаганим,  
Бир йўқотиб, минг бир аср излаганим,  
Бу дунёда ёлғизгина сизлаганим —  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Ўкинчларнинг, ўтинчларнинг ўзи бир бахт,  
Ярамизга вақтининг сепкан тузи бир бахт,  
Бир ҳаводан нафас олмақ ўзи бир бахт,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Хотирларда муҳрланган нигоҳимиз,  
Бир-бировсиз яшолмаймиз — дил оҳимиз,  
Муҳаббат — бу ўттиз йиллик “гуноҳимиз”,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз.

Елкангизни силкиб-силкиб йиғлаган дам,  
Бўйин берманг, борлигингиз босмасин ғам.  
Осон тутманг биздай ғариб шoirга ҳам,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз!...

Сирларимиз қор остида излар каби,  
Қалб қаърида айтилмаган сўзлар каби,  
Сизни ҳеч ким соғинолмас бизлар каби,  
Юрагимда яшаганлар, хуш келдингиз!

## БИР УЙ БОРДИР

Бир уй бордир юракка яқин,  
Қизгалдоқдек сара кўнгилда.  
Бир куй бордир юракка яқин,  
Бир умрлик яра кўнгилда.

Бир уй бордир юракка яқин,  
Бағрим ўртаб ёр-ёри йиғлар.  
Бир куй бордир юракка яқин,  
Чертилмаган дил тори йиғлар.

Бир уй бордир юракка яқин,  
Кувончлари қайғуга ўхшар.  
Бир куй бордир юракка яқин,  
Жоним қақшар, жаҳоним қақшар.

Бир уй бордир юракка яқин,  
Келин кутиб сахарлари зор.  
Бир куй бордир юракка яқин,  
Қон йиғлаган Баҳорлари бор.

Бир уй бордир юракка яқин,  
Ҳовли тўла юмушлари бор.  
Бир куй бордир юракка яқин,  
Етолмаган Кумушлари бор.

Бир уй бордир юракка яқин,  
Қизгалдоқдек сара кўнгилда.  
Бир куй бордир юракка яқин,  
Бир умрлик яра кўнгилда.

\*\*\*

Хотира, хотирга айланди бари,  
Кўнгироқ овозинг бермади бир сас.  
Барибир бахтлимиз, бир-бирдан нари,  
Илло, бир ҳаводан олғаймиз нафас.

Фақат... Кўргим келар, борган сари бир,  
Ёдингдами, осмонимиз ойли эди.  
Шоирлик — улуғ дард, лекин барибир...  
Қўлларинг узуксиз чиройли эди...

Одатда “шунос” – танимоқ қўшимчаси фақат у ёки бу фан ё фан бўлими мутахассисига нисбатан ишлатилади: тилшунос, адабиётшунос, тарихшунос, навоийшунос, бобуршунос, бедилшунос сингари. Мен эса ушбу қўшимчани таржимонларга нисбатан ишлатиш ҳам лозим, деб ўйлайман. Чунки олим мингта зиёли учун китоб ёзма, таржимон миллионлаб китобхонлар учун таржима қилади. Шу маънода, Асқар Маҳкамни ҳам, Жамол Камолни ҳам, Одил Икромни ҳам мавлавийшунос, деб атайман.

## МАВЛАВИЙШУНОСЛИКДА ЯНГИ ҚАДАМ



Мавлавийшуносликдаги йирик хизмат Жамол Камол чекига тушгани мавлавийшуносликнинг бахти бўлди, десак муболага бўлмас. Бу заҳматкаш шоир ва мутаржим шундай буюк асарни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирди.

Асқар Маҳкам Мавлоно Жалолiddин Балхий-Румийнинг “Маънавий маснавий”сини асл нусха ва туркча шарҳлари асосида ўзбек тилига таржима қила бошлади ва дастлабки дафтери – жилдини нашр эттирди. Бироқ бу улкан хизматни ниятсизга етказишга улгурмади.

Одил Икром Асқар Маҳкам ва Жамол Камолнинг ушбу соҳадаги ютуқ ва камчиликларини обдон ўрганиб, мухташам бинонинг тархидан бошлаб, асосидан ишга киришиб, янгидан бунёд этишни ният қилди. Таржима тарихида бундай ҳодисалар – такрорий таржималар янгилик эмас, албатта. “Маънавий маснавий” таржималари эволюцияси-тадрижида кўрамизки, таржималар борган сари соддалашиш, аниқлашиш, бадийлашиш кўтаринчилиги билан фарқлана борди.

Таржимадаги бош талаб ва мақсад матндаги барча сўзларни ўзбек китобхонига тушунарли бўлишидир. Ўзбек китобхони деганда биз кенг маънода тўлиқсиз ва ўрта маълумотли ўқувчи ва унинг луғавий захирасининг чекланганлигини ҳам ҳисобга оламиз. Буни таржимон тўғри тушуноғи ва китобхон билимини ўз билими (луғат захираси) билан тенг деган ҳаёлдан йироқ бўлмоғи лозим. Аниқлик, асл нусха фикри ва сўзларига содиқлик нуқтаи назаридан Жалолiddин Румийнинг бир байтини икки таржимон талқинида кузатайлик:

**То ки суфрай руй ў пинхон шавад,**

**То нигини ҳалқаи хубон шавад.**

Жамол Камол талқини:

**Ёшини пинхон этишни ўйлади,**

**Ўзни чун жонон этишни ўйлади.**

Одил Икром таржимаси:

**Токи турқин суфраиси бўлсин ниҳон,**

**Ҳар гўзал таққан узукда дурсимон.**

Жамол Камол таржимасида асл нусхадаги мазмун ҳам, поэтик фазилатлар ҳам юзага чиқмаган. Одил Икромда асл нусха нуқталари – поэтик фазилатларига тўла амал қилинган кўриниб турибди. Ёши ўтиб кетган кимса юзининг “турқин” дейилиши, унинг суфрага ухшатилиши ўта уринли. Иккинчи мисра муқобил таржима намунасидадир.

“Маънавий маснавий”нинг сўзларининг мазмун ва мантигини идрок этиш осон иш эмас. Ҳатто манамаман деган нашрга тайёрловчи форс ёки тожик олим ҳам жиддий матн хатоларини содир этиши мумкин. Чунончи, тожик олими 1371 байтни қўлёзма ва Эрон нашрлари асосида кўчирган:

**Чуст сақо қўзае, к-иш об нест**

**В-он даравгар хонае, к-иш боб нест.**

Ношир “дурдгар” (дурадгор) сўзини “даравгар”

(ўрувчи) тарзида хато талқин қилган. Одил Икром “даравгар” ўрнига “дурадгор” бўлиши кераклигини идрок этиб, таржимада матншунос хатосини ислоҳ этган. Бундай ҳодиса камёб бўлади:

**Сув ташувчи кўза излар – бўш ичи,**

**Уста ўй – бор на эшик, на илгичи.**

Шу байт таржимасини Жамол Камол нусхасига қиёсласак:

**Улки саққо, кўза истайдир фақат,**

**Заргар ул фируза истайдир фақат.**

Биринчи мисрада асл нусха муаллифи мақсади тўғри берилмаган. Иккинчи мисрада биз асл нусхадаги (хато) ўроқчини ҳам, устани ҳам кўрмаймиз. Оригиналдаги “даравгар” – “ўроқчи” ўрнида таржимада “заргар” турипти. Ёки тубандаги Мавлавий байтидаги мазмунни идрок этишда икки таржима кескин фарқ қилади:

**Сабри шир андар миёни фарсу хун**

**Карда ўро ноъиши «ибну-л-лабун».**

Жамол Камол таржимаси:

**Сабр этиб, шер йўлни пойлайдир неча,**

**Ўлжа бўлгай сўнгра унга тевача.**

Одил Икром талқини:

**Сабр этиб хиллар ва қонлар ора сут**

**Бўлди “сут ўғлонлари”-чун кўру кут.**

Мулоҳаза қилинса, афтидан, Жамол Камол асарнинг форсий ёзувдаги нашридан ўқиб, “шир”(сут)ни “шер” деб ўйлаган ва асл нусхадан тамоман йироқлашган. Асл нусхада ва умуман ўзбек тилида бўлмаган “тевача” (ҳолбуки, бу сўз муқобили “бўта, бўталок” эди) сўзини киритган. Одил Икром эса байт мазмунини иккала мисрада ҳам ўзбек тилига аниқ-тиниқ ўтирган. Асл нусхага жудаям яқинлашиш ва айнан ифодалаш Жамол Камол ва Одил Икром таржималарида куйидаги байтда кузатилади:

**Гуфтам охир фарқи туст ин ақлу чон,**

**Гуфт: “Рав, рав, бар ман ин афсун махон!”**

Жамол Камол ўтиради:

**Мен дедим: “Жон бирла севгайман сени”,**

**Ул деди: “Қўйил ўша афсонани”.**

Бу нусха аслиятга яқинлашиш намунаси бўлса, Одил Икром таржимасини айнан ифодалаш намунаси дейиш мумкин:

**Унга айтдим: “Ақлу жоним сенга фарқ”,**

**Ул демиш: “Бор, айла бул афсунни тарк”.**

Ҳар икки мутаржим асл нусхадаги саволу жавоб санъатини ўринли тиклаганлар. Масалан, “Амрад” хали соқоли чиқмаган йилгача дегани.

**Тожикистон Республикасининг Президенти Эмомали Раҳмон ўзбек таржимони Одил Икромга адабиёт соҳасидаги олий соврин – Абуабдуллоҳ Рўдакий номидаги Давлат мукофотини топшириб, табриқлади. Дарҳақиқат, Одил Икром ушбу йирик хизматлари: “Маънавий маснавий” таржимаси ва “Замонавий тожик шеърини антологияси” таржималари билан ўзбек ва тожик адабий алоқалари ҳамда икки халқ дўстлигини маданий соҳада ҳам яна бир поғона юксалишига катта ҳисса қўшди. Ушбу маданий жараён адабий ҳаётимиздаги жиддий воқеадир.**

Ваҳоб РАҲМОН,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

### ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

## ТАРЖИМА САНЪАТИ УСТАСИ ЭДИ

Санжар Сиддиқ ўтган асрнинг йигирманчи йиллари охирилари – ўттинчи йилларда ўзбек публицистикасини шакллантириш ва ривожлантиришда Ҳамза, Садриддин Айни, Отанжон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Абдулла Қодирий, Гафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Маннон Роиқ, Наим Саид, Комил Алиев каби забардаст ижодкорлар билан бир қаторда муносиб ҳисса қўшди.

Санжар Сиддиқ (Босит Сиддиқов) 1902 йилнинг 22 мартда Тошкентда Султонхўжа Сиддиқхўжаев оиласида туғилди. Отаси унинг зиёли ва илгор фикрли одам бўлиб етишиши учун алоҳида ғамхўрлик қилиб, жуда барвақт савод ўргатди. Зийрак Босит олти ёшга етмасданқ китоб шайдоси бўлиб қолганди. Отасининг бой кутубхонасидаги тарихга, фалсафага оид ва бадиий асарларни ўқишни канда қилмасди. Тожик, турк, татар тилларни билиб олган Босит рус-тузем мактабда аъло баҳолар билан ўқийди. Пушкин, Гоголь, Лев Толстой, Чехов асарлари билан танишади. Олти жилдлик “Комус ул-аълам” энциклопедияси ўз замонасининг нодир асарларидан бўлиб, тарих, фалсафа, адабиёт муҳлислари учун билим ҳазинаси ҳисобланарди. Ушбу қомус Боситга ёд бўлиб кетган эди.

Сақимонлик Миён Қодирхон ўзининг бой илми, Қирмда, Татаристон ва Озарбайжонда чиқадиган газета ва журналларда эълон қилинган янгиликлардан доимо хабардор бўлиб туриши билан ном чиқарган эди. У ўз атрофига шоирлар, санъаткорлар, тарихчиларни тўплаб мунозаралар, мушоиралар ўтказишни канда қилмасди. Ана шундай анжуманлар ташкилотчиларидан бири, Миён Қодирхоннинг шу маҳаллалик яқин дўсти Султонхў-

жа Сиддиқхўжаев эски шаҳарда маърифатпарвар киши сифатида танилган эди. Мушоира ва мунозаралар, айниқса, Муқимий Тошкентга келган кезларида авж олганди. Муқимий бу ерда қирқ кун узлуксиз давом этган анжуманда қатнашган. Фурқат ҳам Миён Қодирхоннинг энг иззатли меҳмонларидан бўлган.

Журналистикага дадил кириб келган Босит “Санжар Сиддиқ”, “Бир киши”, “Газетачи” тахаллуслари билан газета ва журналлар саҳифаларида мунтазам чика бошлади, матбуот нашрларида фаолият кўрсатди. Жумладан, у “Ўзбекистон” давлат нашриётида масъул лавозимда ишлади. “Иштирокион” (“Қизил Ўзбекистон”), “Туркистон”, “Камбағал деҳқон”, “Озод Бухоро”, “Шарқ ҳақиқати” газеталари ва “Инқилоб”, “Китоб ва инқилоб”, “Машъала” журналларининг ташкилотчилари ва фаол муаллифларидан бири эди. “Китобхон”, “Бир киши”, “Газетачи”, “Тошкентлик”, “Санжар нафратчи”, “Калтадум”, “Кўз-қулоқ”,



Суратда: Ўтирганлар: (чапдан) Абдулла Қодирий, Митина, Шафийуллин, Назаров, Элеев, Хоподовский, Епифанов. Турганлар (чапдан) Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб (1926).

Архивдан олинган сурат.

“Санжар” каби тахаллуслар остида газета ва журналларда ўша даврнинг долзарб мавзуларида кўплаб материаллар билан фаол қатнашиб келди.

Адабиёт ва театр санъати Санжар Сиддиқнинг қалбига яқин соҳа эди. У хорижлик таниқли драматургларнинг етуқ асарларини муваффақият билан ўзбекчалаштирди. Унинг таржимасида 30-йилларда Лопе де Веганинг “Кўзибулоқ қишлоғи” драматси, Ҳабиб Вафониинг “Бомбей”, П.Фурманский ва Я.Родиновнинг “Ван Ши Бин”, Н.Зархининг “Шодлик кўчаси”, Погодиннинг “Менинг дўстим”, С.Третьяковнинг “Наърангни торт, Хитой!”, Н.В.Гоголнинг “Ревизор” асарлари театр саҳнасида намойиш этилди.

### ТАРЖИМА – ЮКСАК САНЪАТ

Ҳамчу амрад, ки Худо номаш кунанд,

То бад-ин солус дар домаш кунанд.

Жамол Камол негадир “амрад”ни Намруд деб таржима қилган:

**Тангри деб Намрудга чун ном илдилар,**

**Мақр ила чун пасту бадном қилдилар.**

Бу талқинда Намруд ижобий қаҳрамонга айланмоқда. Аслида эса Мавлавий матнида бу сўз йўқ. “Амрад” Одил Икром талқинида тўғри берилган:

**Ҳар соқоли чиқмагани деб “худо”,**

**Авраб арконга этарлар мубтало.**

Мавлавийнинг куйидаги байтини икки таржимон икки хил ва қарама-қарши маънода талқин қилганлар:

**На, ки қалбу қолабам дар ҳукми ўст,**

**Лаҳзае мағзам кунад, як лаҳза пўст.**

Жамол Камолнинг тушуниши:

**Қалбу қолип унга банда, унга қул,**

**Лаҳзада арчиб олар пўстимни ул.**

Одил Икром талқини:

**Жисм-у жонимдир Унинг ҳукмида, бас,**

**Бир нафас пўст айлағай, бир лаҳза мағз.**

Одил Икром таржимасини ҳам аниқ, ҳам таъсирчан деса бўлади. Яна таржимон маҳоратини қарангки, “бас” ва “мағз” сўзларини қофиядош этолган.

Руслар таржимашуноси тасодифан асл нусхадаги бошқа тилдаги сўзни таржимада учратиб қолса, ўша байтни “макаронический стих” (муламмаъ байт) деб эрмак қилади. Худди ана шундай ҳодиса юз бергани ва кейинги таржимада бунинг олди олингани куйидаги Мавлавий байти қисматида содир бўлган:

**Пас зи мактаб он яке садре шуда,**

**Мохгона додаву бадре шуда.**

Жамол Камол ўтиради:

**Етишур бир кун илм садри бўлиб,**

**Соҳиби ойлик бўлиб, бадрий бўлиб.**

Ушбу байтни шири шакар(муламмаъ)га яқинлаштирган икки сўз “садри” ва “бадрий”дирики, бу сўзлар ҳозирги ўзбек китобхони учун тушунарли эмас. Энди кузатайлик-чи, Одил Икром бу сўзлар билан қандай шугулланар экан?

**Сўнг тугаб мактаб, улуг, комил бўлар,**

**Ойлигин бергай ва ой янглиғ тўлар.**

Бадиий таржимадаги фазилатлар: сўз озлиги, фикр ёрқинлиги, куймалиги. Муҳими, деярли барча сўзларнинг таржимон тилига бекаму кўст пухта ўгирилишидир. Буни биз Мавлоно Жалолiddин Румийнинг Одил Икром таржимасидаги куйидаги байтда кўришимиз мумкин:

**Ту қиёс аз чархи дулобй бигир,**

**Гардишаш аз кист? Аз ақли мушир.**

Ўзбекчаси:

**Сен қиёсларни чигир чархидан ол,**

**Не уни айлантлар? Ақлий камол.**

Бугун уч таржимон – Асқар Маҳкам, Жамол Камол ва Одил Икромдаги мавлавийшуносаримизнинг заковатли меҳнатлари туяфайли “Маънавий маснавий”нинг барча китоблари ўзбек тилида жаранглаб турибди.

## ШЕЪРИГА ЎХШАГАН ШОИР

Роппа-роса ўттиз йил бурун ойинаи жаҳонда янграган куйидаги қўшиқни илк бор эшитганимдаёқ шеър муаллифи Рустам Мусурмонга ҳам, санъаткорга ҳам муҳлис бўлиб қолганман:

**Гул экурман жаҳона-на**

**Гул-зор ўл-ма-гунн-ча-ҳ...**

**Жоон чехурман жо-ноо-на**

**Дил-доор ўл-ма-гунн-ча-ҳ...**

Муҳлисликдан ташқари, ўша вақтда аспирантурада ўқиган ёш қалам соҳибига ич-ичимдан самимий ҳурмат ҳам пайдо бўлганди. Кейинчалик Рустам Мусурмоннинг ўзи билан кадрдонлашиб кетдик. Яқинда тасодифан учрашиб қолдик. Шоир акамиз янги нашрдан чиққан “Бир жуфт сўз” шеърий тўпламининг совға қилди. Қалингина китобни кўлга олиб, бирров кўздан кечирдим. Шеърлар турли мавзуларда. Холи қолгач, мутолаға киришдим. Дафъатан Рустам Мусурмон ижодидаги соддалик ва туркий халқлар турмуш тарзидаги кенгликни ҳис этдим.

**Она деган сўзимдан яралди бу тил,**

**Жоним, қора кўзимдан яралди бу тил.**

**Бу Ўрхун-Энасойим битиктошлари –**

**Денгиз-денгиз сўзларим булоқбошлари.**

**Бу “Девону луғотит-турк” нидолари,**

**Бу Маҳмуд Кошғарийнинг тил садолари.**

**Онанинг тили билан тўқ бўлар илик –**

**Она тилда битилди “Қутадуғ билик”.**

Ижодкорнинг она тилимизга эҳтиромининг йиллик тарихимиз зарварақларидаги дуру жаҳоқлар билан зийнатланган сатрларда ярқираб кўринади. Нафақат тарих, бутун туркий халқларнинг қон-қонига сингиб кетган маданиятни теран ҳис қилиб, шу маданият булоғидан қонган шоир шеърларида қадимий оҳанглари ранг-баранг шаклда келаверади. Масалан, туркий халқларда кенг тарқалган лой-хуштак болаларнинг суюкли овунчоғи бўлиши билан бирга, қадимий халқларнинг дашт кенгликларига ҳамоҳанг феъл-атвориға мос садо берадиган мусиқий асбоби ҳамдир.

**...Сайраб эди, тинмай эрта-кеч**

**Лойхуштакча мисли булбулча.**

**Учар эди қўнмас эди ҳеч**

**Ўша лойдан ясалган қушча.**

Аслида бундай мавзуларда қалам тейра-тиш қийин, негаки аждодларимиз ҳикматини соддаликка пайваста қилганлар, содда туюлган жумлаларда эса нозик маънолар ифодаланган бўлади. “Совчи” шеърдан бир мисол:

**Ла-лай, Ла-лай-чи кее-ел-дии-и...**

**Кў-ча-га мой-чи кее-ел-дии-и...**

**Кў-ча-га мойини таш-лаа-аб**

**Санамга сов-чи кее-ел-дии-и...**

Бу ўринда сўз билан ифодаланган кўшиқ бор жозибаси, ранглари билан оҳанглари-гача сақлаб қолинган нақшни эслатади. Шарқ маданиятида нақш нафақат чиройи, сирли маъноси билан ҳам уста наққошнинг бадиий интеллектуал салоҳиятидан далолат берган.

**Юрак – менинг дулдулим,**

**Кўкрагимда қозиги.**

**Беда эмас, ем эмас,**

**Меҳрдандир озиғи.**

“Юрак” шеърдан олинган ушбу сатрлар

Унинг театршунослик фаолияти ҳақида атоқли санъаткор Сора Эшонтураева шундай деган эди: “Лопе де Веганинг “Кўзибулоқ қишлоғи” пьесаси театримизда 1931 йилдан бошлаб у кишининг таржимасида саҳналаштирилган эди. Ундан ташқари, чет эл ёзувчиларининг саҳна асарларидан унга яқини Санжар ака таржимасида Ҳамза номли театримизда кўйилди. Унинг таржималаридаги муҳим хусусият ва фазилат ифоданинг халқчиллигида, оригиналга яқинлигида, томошабинларга енгил ва образли тарзда етиб боришида кўринади.

Айрим таржимонлар кўп ҳолда русча уйлаб, ўзбекча ёзардилар. Таржима қилинган (ўша даврда) драматик асарлардаги ана шундай нуқсонларни бартараф қилишда ҳам, биз театр жамоасининг иждоий ишларимизда ҳам Санжар ақининг хизмати катта. У драматик асарларнинг таржима қилинишида асосан оҳангга, образликка, соддаликка аҳамият беради.”

30-йилларда Пушкин, Лермонтов, Шекспир, Некрасов, Лев Толстой каби жаҳон классикаларининг машҳур асарлари ўзбекчага ағдарилди, таржимачилик ишларига эътибор кучайди. Санжар Сиддиқ ҳам бутун куч-ғайратини, билиминини, истеъдодини ишга солиб, таржимонликни давом эттириш билан бирга ўзининг ва бошқа моҳир таржимонларнинг бой тажрибасига таянган ҳолда катта ишга –адабий таржиманинг назарий асосларини яратиб беришди.

ҳар қандай ўқувчининг туйғуларини жунбушга келтириши табиий. Ҳа, шеър чинакам туйғудир, туйғуни эса шарҳлаб бўлмайди.

Бутун инсониятга тегишли қадимги маданий ёдгорликларнинг ҳаммасида мазмун ва оҳанг вобастадир. Халқ оғзаки ижодиға оид асарларни ўқисангиз, худди қўшиқ тинглаётгандек бўласиз. Куй ноталарда ифодаланишни яхши биламиз ва шунга ўрганганимиз. Жозибали халқ ижодиётида эса сўзларнинг ўзи наво қилувчи ноталар шаклида келади. Негаки, халқона шеърларнинг ўзи қуйма қўшиқдир. Рустам Мусурмоннинг шеърлари ўқилганда ҳам қадим оҳанглари билан ҳамоҳанг тарзда ич-ичингиздан исмсиз ҳис-туйғулар жонланади.

Нозик ва нафис туйғуларни ифодалаётган муаллифга атоқли шоиримиз Абдулла Орипов бежиз дўмбира совға қилмаган. Дўмбира туркий халқларнинг бебаҳо маданиятини елкалаб узоқ асрлардан бизгача етиб келган кекса бир созидир. Устознинг рамзий маънодаги гўзал ва ажиб совғаси хусусида муаллиф шундай ёзади:

**... Чолғу бўлди – бир оғочга жон келди,**



# «КАПАЛАКНИНГ ТУШЛАРИ»

Ўзбек театри сахнасида қўйилган ёзувчи Тимур Зулфиқоровнинг “Умар Хайём юлдузи”, “Хўжа Насриддиннинг биринчи муҳаббати”, “Беҳили тушлар” каби асарлари мухлис ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Пойтахтимиздаги Б.Йўлдошев номидаги “Дийдор” театр-студиясида таниқли тожик режиссёри Барзу Абдуразақов шу муаллифнинг поэмаси асосида сахналаштирган “Капалакнинг тушлари” спектаклини ҳам томошабинлар самимий қарши олишди. Т.Зулфиқоров суҳбатларидан бирида: “Сон-саноксиз юлдузларга тикилганимда ўзимни 80 миллион йилдан буён яшаётгандек ҳис қиламан, эрталаб эса гўё азиз онажонимнинг оёқларида эркаланаётган саккиз ёшли болакайдек туяман ўзимни”, деган эди. Унинг “Капалакнинг тушлари” асарини худди шу сўзларга ҳамоҳангдек тасаввур қилиш мумкин.

Залга кирган томошабиннинг кўзи дастлаб энгил тўсиқлар орасига сепилган қумларга тушади. Қумлик атрофида устига юпқа кўрпачалар тўшалган ёғоч ўриндиқлар қўйилган. Деворга шарқ услубидаги gobеленлар ташланган, улар қамиш тўсиқларни эслатади. Томошабинлар оёғи остига шолчалар тўшалган... Хуллас, сахна безатувчиси Д.Фаниева спектакль воқеалари кечадиган муҳитни маҳорат билан тайёрлаган. Томошабин кўз олдида Буюк Ипак йўли намоеъ бўлади.

Доира билан сахнага кириб келган машшоқлар баланд ўриндиқларга ўтириб, томошабинлар диққатини тўплаб олиши учун уларга жимгина тикилиб турадилар. Шунда воқеалар бошланаётганидан хабар берувчи кўнгирак овози жанрангайди. Чироқ ўчиб, ҳаммаёққа қоронғилик чўқади, кейин борлиқни ёритган чироқ нурлари остида томошабинлар кумда ухлаб ётган ўн беш ёшли Насриддинни ва унинг тепасида турган ота-онасини кўрадилар. Улар ўғлининг тушида: “Мен беҳи дарахлари устидан учаяпман. Мен олтин қушман. Мен учаяпман, учаяпман...” деганини эшитадилар. Мустафо бобо ва Лапак бибининг ўғли Хўжа Насриддиннинг биринчи муҳаббати

ҳақидаги фалсафий афсонанинг поэтик сахна талқини ана шундай бошланади.

Постановкачи Б.Абдуразақов муаллифнинг масалнамо услубини сақлаган ҳолда пластик метафоралар, ёрқин динамик сахналар воситасида уни сахна тилига кўчиришга ҳаракат қилади. Саҳналар алмашина бориб, воқеалар ривожига ёш қаҳрамон ҳаёт ҳақида турли тушунчаларга эга одамлар билан учрашади.

Катта ҳаётга эндигина қадам қўйган ёш йигитча танлов арасида турибди. Режиссёр ва актёрлар “Бу йигит яхшилик ё ёмонлик, куч ишлатиш ёки одамийликка таяниш, юксак маънавий-ахлоқий мейёрларга риоя қилиш каби йўللardan қай бирини танлаши лозим?”, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилишган. Ҳар бир эпизод алоҳида воқеликни жонлантиради ва доира оҳанглари остида қаҳрамонлар характерлари очила боради. Ҳаракатга уйғун мизан-саҳналар рамзий мазмун билан йўғрилган. Бу саҳналар унда қатнашувчи етук персонажлар билан уйғунликда ёш Хўжа Насриддиннинг руҳий оламини очишга хизмат қилади. Сўзлар уйғун тарзда ҳаракатга айланади, пластикага йўғрилган ҳаракатлар оғушидаги фаройиб образлар томошабинни ҳаёлот оламига олиб киради. Бутун спектакль бош қаҳрамоннинг

бетакрор ва ўзига хос тушларининг манзараларига айланади. Бунда асосий сюжет воқеасини навқирон йигитчанинг балоғатга етиши, унинг Ҳаёт ва Ўлим каби абадий тушунчаларни ўқишга интилиши ташкил этади. Олдига қўйилган вазифанинг мураккаблигини тушунган режиссёр аънавий усуллардан воз кечмаган ҳолда, воқеликка Ҳикоячи образини киритади. Воқеаларни шарҳлаб турувчи бу одам томошабинни инсоний муносабатларнинг руҳий оламига олиб кириш билан бирга, спектаклнинг маънавий-ахлоқий томонини изоҳлаб туради.

Ўн беш ёшли Насриддин Талъат Бекнинг қизи, гўзал Сухайлни севиб қолади. Қиз баъзан сирли сеҳрар қуш образида, баъзан ҳаёлпараст қиз сифатида йигитчанинг тушларига киради. Мазкур спектаклда юксак романтик туйғуларга йўғрилган ҳаёлот ва ҳақиқат олами қоришиб кетади. Томошабин муҳаббат ва макр, яхшилик ва ёмонлик ёнма-ён эканини кузатади.

Насриддин роли ижрочиси Нурмуҳаммад Иброҳимов қаҳрамони ва ўзининг навқиронлиги билан эътиборни тортади. Бу образ спектаклнинг асосий топилмаларидан бири, дейиш мумкин. Актёр севиғига фарқ бўлган бу образни ишонарли, самимий, оддий, табиий ижро этган. Режиссёр билан биргаликда услубий аниқликнинг шундай ишонарли усули топилганки, болаликдан ёрқин сеҳрли оламда унинг-ўсган Насриддин воқелик билан тўқнашар экан, бефарқлик ва беадабликни ҳазм қилолмайди. У ёш, уятчан, содда, оддий, баъзан қатъиятсиз, ҳаёлпараст, одамлар дунёсини тушунишга ва унда ўз ўрнини топишга ҳаракат қиладиган инсон. Севиғи унинг қалби-

га табиий равишда кириб келади, у севиш бахтини туяди, айрилиқ аламига, дўстни йўқотиш азобига дуч келади. Буларнинг барчаси ўсмирнинг қалбида чуқур из қолдиради, унда ўзини англашга интилишни уйғотади.



Ёш актриса Маҳлиё Асқаралиева ижро этган Сухайл образи ҳам эътиборга молик. Фожеали воқеалар давомида аста-секин қизнинг руҳий-маънавий олами намоеъ бўлиб боради. Бошида унинг қаҳрамони ўжар, қайсар, бўйсунмас қиз сифатида кўринади. Бироқ кейинчалик Насриддинга қараб, у билан муомалада бўлиб, Сухайл дўстлик, севиғи, садоқат, тақдирга тан бериш каби туйғуларни тушуна бошлайди.

Ушбу спектаклда кўп образлар жиддий, ёқимли ва ёрқин ижро этилган. Бироқ улар орасида актёр Бобур Йўлдошев ижросидаги Талъат Бек жўшқинлиги, қатъияти, ҳис-ҳаяжони билан ажралиб туради. У сахнада ажойиб либосда — галати безаклар тикилган халатда пайдо бўлади. Кўрини-

шидан ўзига ишончи яққол сезилиб турган бу образда ўзига хос киноя бор, бу унинг кўзларида, овоз оҳанглирида, ҳатти-ҳаракатларида, қўлларини кенг ёйиб туришларида намоеъ бўлади. Б.Йўлдошевнинг қаҳрамони эҳтирослари ифодасида, беғам,

бепарво хулқида, ҳиссиётларини, мулоҳазаларини эркин ифодалашда ниҳоятда кўп, олдиндан билиб бўлмайдиган, тийиб бўлмайдиган одам. Унинг талқинидаги Талъат Бек бир вақтнинг ўзида ҳам файласуф, ҳам қувноқ, ҳам кулдирувчи шахс. Ўзи ёш бўлмаса-да, вужудида ҳали эҳтирос ўлмаган, манман ва жанжалкаш. Бу одам ниҳоятда тараллабедод ҳаёт кечирган, кўнгирилган қилган, қувончу гам-ташвиши ҳам бошидан ўтказган. Шунинг учун Насриддинга илк ҳаётий сабоқларни беришга ўзини ҳақли ҳисоблайди. Кекса Талъат Бек ўз ҳаётидан келиб чиқиб, Насриддинга шундай дейди: “Ҳаётнинг бир томони меҳнат ва синовлар учун, бошқа томони дам олиш ва кўнгирилганлик учун берилган.

Эҳтиросларга берилма, чунки эҳтирос сени еб адо қилади”.

Насриддиннинг онаси образи спектаклда ноодатий талқин этилган. Бу аёл гапирмайди, эшитмайди, фақат кўради, ўзини ураб турган оламини, одамларни тушунишга ҳаракат қилади. Пластик нуқтаи назардан мураккаб бўлган бу образни актриса Юлдуз Ражабова ишонарли, самимий ижро этган. Ниҳоятда нозик бу аёл жуда катта ички қудратга эга. Она сифатида Насриддиннинг келажаги ҳақида қайғуради, безовталанади. Ўз ўғлини ҳаётдаги қийинчиликлар, гам-ташвишлардан ҳимоя қилар экан, томошабин ундаги беқиёс меҳрибонлиқни, муҳаббатни, садоқатни ҳис қилиб туради. Фикрлар изчиллигига асосланган сюжет чизими орқали Насриддиннинг кўз олдида одамларнинг мураккаб, қарам-қаршиликларга тўла, айна пайтда инсоний меҳр-муҳаббат ва шафқатсизлик ўзаро чирмашиб кетган олами намоеъ бўлади.

Кўзи ожиз дарвеш бундан буён қандай яшаш кераклигини қаҳрамонимизга қўйидагича тушунтиради: “Насриддин, яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш кечаётган Ипак йўлига бор. Оллоҳ сенга ёрдам беради. Ҳаёт шамнинг умриддек қисқа. Бор, олтин қушни топ...” Балки ҳаётнинг мазмунини тинимсиз бахтни, севиғини қидиришдадир. Спектакль томошабини шу ҳақда, яъни инсоннинг ҳаёти мазмунини ҳақида уйлашга чорлайди.

**Муҳаббат Тўлахўжаева,**  
санъатшунослик фанлари доктори

## Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Пойтахтимиздаги “Киночилар уйи”да “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивали тантанали суратда очилди. Давлатимиз раҳбарининг XIV Тошкент халқаро кинофестивали иштирокчиларига йўллаган табриғи ўқиб эшиттирилди. Табриқда, жумладан, шундай дейилади: “Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун” деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган мазкур анжуманда жаҳоннинг 35 давлатидан 300 дан зиёд кино усталари иштирок этаётгани ярим асрдан ортиқ тарих-

Анжуманининг биринчи кунинда “Хужжатли кино кунлари”нинг очилиш тадбири бўлиб ўтди. Россия Федерацияси “Мастерская” кинокомпанияси бош директори С.Медведева Ўзбекистон Кинематография агентлиги билан ҳамкорликда суратга олинган “Ўзбекистон. Янги тарих” номли фильмни тақдим этди. У юртимиз ижодкорлари билан бирга “Менинг Президентим” ҳужжатли фильмининг ҳам суратга олган. Шу кунини Киночилар уйида “Дунё мамлакатлари киноси: ривожланиш тарихи ва истиқболлари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Бернштейн, кинотанқидчи Андрей Апостолов, АҚШ кино мактаблари продюссери Габриэла Келли, таниқли кино усталари Сергей Безруков, Минами Хинасэ, Люк Бессон ва бошқалар қатнашмоқда.

Фестиваль давомида “Матонат мактаби”, “Моҳигулнинг пок нияти”, “Велоспорт дунёси”, “Виждон саратони”, “Нурхоннинг қуш медали”, “Инсон. Биринчи эпизод”, “Сидней Жаксон феномени” каби юртимиз киноижодкорлари томонидан суратга олинган ҳужжатли фильмлар премьералари бўлиб ўтади. Фестиваль доирасида бўлиб ўтаётган “Кино 5 кунда” ёшлар халқаро танлови дастурида 1500 нафардан ортиқ ёш киноижодкорлар, дунёнинг 19 та етакчи кино мактаби вакиллари иштирок этмоқда. Мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш кинофестивалнинг ёпилиш маросимида ўтказилади.

Муҳим тадбирлардан бири фестивал доирасида ўтадиган бизнес дастурлардир. Халқаро туркий маданият ташкилоти — “TURKSOY” кинофоруми, МДХ мамлакатлари миллий киностудиялари раҳбарларининг учрашувлари, ҳамкорликдаги фильмларни тарғиб қилиш, ёш киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, икки томонлама бизнес муоамалари миллий киноимиз ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Бугунги кунгача мухлислар “Зухра ва унинг ўғиллари” (Озарбайжон), “Кўзголон: Мангал Пандей ҳақида баллада” (Буюк Британия), “Салом, шофёр” (Малайзия), “Чўқинтириш” (Молдова), “Севиғи ҳақида қўшиқ” (Польша), “Бу янги олам” (Франция), “Сакура олдида асирликда” (Япония), “Зулали” (Арманистон), “Қалбинг оҳангга рақс тушяпти” (Германия), “Гроссмен” (Исроил), “Кун сояси” (Италия), “Мен билан ёнма-ён” (Руминия), “Эби юлдуз” (Бразилия) каби фильмларни томоша қилдилар. Виолетларда бўлиб ўтаётган миллий ва чет эл фильмлари намойиши, хусусан, ўзбек фильмларининг ретро намойиши киномухлисларда катта таассурот қолдирмоқда.

XIV халқаро Тошкент кинофестивали 18 сентябргача давом этади.

Г.ФАЙЗИЕВА

## ЎЗБЕКISTON БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

# ТАБИАТДАН МЕҲР ВА ИЛҲОМ ОЛИБ

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида очилган “Рассом хотирасига бағишлаб” деб номланган кўргазма рассом Павел Пантохин таваллудининг юз йиллигига бағишланди. Экспозициядан рассомнинг олтиндан ортиқ рангтасвир ва сувёёқда ишлаган асарлари ўрин олган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган рассом асарларида ўша машъум кунлар тасвири акс этса-да, уларда табиат гўзаллиги, рангларга бой манзаралар етакчилик қилади. “Байкал”, “Байкал балиқчилари”, “Булул қоплаган Байкал тонги” каби кўплаб асарларида Байкал кўлининг чиройи ва кўл атрофидаги ҳаётни меҳр билан тасвирланган. Шунингдек, “Оқтош. Оқшом”, “Товоқсойда куз”, “Баҳор”, “Хужакент” каби асарларда фаслларнинг ўзига хос таровати маҳорат билан чизилган.

\*\*\*

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган “Она юртни қуйлаган мусаввир” деб номланган кўргазма устоз рассом Эркин Нурманов таваллудининг етмиш йиллигига бағишланди. Экспозицияда рассомнинг ўттиздан ортиқ рангтасвир асарлари билан бирга, йигирмага яқин бадий китобларга ишлаган безаклари намойиш этилмоқда. Рассом кўп йиллар давомида Миллий рассомлик ва дизайн институтида дарс бериш билан бирга, тинимсиз ижод билан шуғулланиб келади. Унинг “Бобурнома”, И.Ҳаққулнинг “Қамол эт касбим...”, С.Сивёвнинг “Ясавийнинг сўнгги сафари”, Ш.Отабекнинг “Дўрмон хангомалари” сингари китобларига ишлаган муқовалари кўпчиликка маълум ва манзурдир.

## ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев билан учрашди. Учрашувда томонларнинг ҳамкорликда амалга оширган ишлари ва келгусидаги режалари хусусида сўз борди. Истиқболдаги вазифалар келишиб олинди.

ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби Султон Раев Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайидга “Чингиз Айтматов”, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирга “Низомий Ганжавий”, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовга “Ҳалдун Танер”, уюшма аъзолари Қалдибек Сейдаддин ҳамда Эргаш Абдувалитовга “Мухтор Аvezов” медалларини топширди.

\*\*\*

Озарбайжон давлат арбоби, шоир Хуршидбону Нотавон таваллудининг 190 йиллиги муносабати билан Шуша шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ходимлари ҳам иштирок этди.

Озарбайжон Республикаси Маданият ноири Анар Каримов, Озарбайжон Миллий мажлиси Маданият қўмитаси раиси Ганира Пашшаева, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Анар Ризаев, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти ректори, академик Иса Ҳабибий, Низомий Ганжавий номидаги Миллий Озарбайжон Адабиёт музейи директори, академик Рафазал Ҳусейнов ва бошқа таниқли давлат ва жамоат арбоблари иштирок этган адабий анжуман юртдошларимизда унутилмас таассурот қолдирди.



Рассом кўплаб натюрморт ва графика жанрига доир композициялар яратган бўлса-да, бироқ манзара жанрида маҳоратини тўла намоеъ этган. У юртимизнинг сўлим масканлари, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва болажонлигини намоеъ этувчи сюжетли композицияларида ҳаётнинг кичик бўлақларини ёрқин кўрсатишга муваффақ бўлган. “Беда ўрими”, “Тарвузхўрлик”, “Оқтош қишлоғи”, “Чимён”, “Зомин”, “Оқтош сойи” каби асарларидаги бахтли болалар, залворли тоғлар ва дарахлар, шарқираб оқётган жилгалар, ям-яшил ўтлоқлар тасвири, шубҳасиз, томошабин кўзини қувонтиради.

Сарвара ҚОСИМОВА

# ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН



га эга бўлган Тошкент халқаро кинофестивали бугун — Янги Ўзбекистон шароитида янгича мазмун ва қиёфага эга бўлиб, санъат оламида янада муносиб обрў-этибор топиб бораётганидан далолат беради”.

Дарҳақиқат, ўзида халқлар ва санъатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ижодий алоқалар, ҳамжиҳатлик ғояларини мужассам этган Тошкент кинофестивали турли миллатлар ва мамлакатлар ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўтаётганига шубҳа йўқ.

Фестивалнинг тантанали очилишида жаҳон кинематографияси ривожига катта ҳисса қўшган бир гуруҳ кино усталарига махсус мукофот — статуеткалар тақдим этилди. Шунингдек, миллий ва жаҳон киносининг энг яхши намуналаридан лаҳзалар намойиш қилинди. Тадбир иштирокчилари ўзбекистонлик ва хоржилик таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурини томоша қилдилар.

Эътиборга лойиқ яна бир муҳим воқеа шуки, “Ўзбекфильм”нинг кичик залида “Жомий ва Навоий” фильми лойиҳасининг тақдими то ўтказилиб, ўзаро меморандум имзоланди. Шунингдек, “Казбек” (Беларусь), “Кўринмас юлдуз” (Тожикистон), “Гладиатор” (Россия), “Эшелон Шарққа боради” ва “Кўрқут ота” (Қозғоғистон) фильмлари бўйича ҳам қўшма лойиҳалар тақдим этилди. Шуни айтиш жоизки, “Али Қушчи” ва “Ал-Бухорий” ҳужжатли фильмларини суратга олиш бўйича Ўзбекистон ва Туркия кино ташкилотлари ўртасида меморандум имзоланаши мўлжалланган.

Кинофестиваль доирасида талабалар учун 50 дан ортиқ амалий машғулотлар, маҳорат дарслари, жаҳон киноюлдузлари билан учрашувлар, етакчи режиссёрлар иштирокида мунозаралар ўтказилади. Ушбу тадбирларда британиялик режиссёр Оливер Суй Уоткинс, исроиллик продюссер Арик

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

**Халил РИЗО,  
Озарбайжон халқ шоири**



**ИШ ЖОЙИМ**

Иш жойим ўзгарувчан: Бокуда, Солёндадир,  
Самарқандда, Тошкентда, Қозондадир иш жойим.

Уйда сиқиб куйишди, айвондадир иш жойим.  
Телекўзгу, радио, рақс, мусиқа, тўполон —  
Бир уйга сиғар қандай? Борми тинчлик бирор он?  
Баъзи пайтлар учарман чақмоқдай учокларда,  
Учоқ, чақмоқ — иш жойим.  
Тилимни кўриқларкан,  
қоя, сўқмоқ — иш жойим.

Икки тош орасида қолганга ёрдам берсам —  
Тош ораси — иш жойим.

Жасур бир одим отган талабамни, ўғлимни  
Ўпган пайтим, кўз билан қош ораси — иш жойим.

Умримнинг ҳар бир они — жанг, инқилоб замони,  
Қайда гов, девни кўрсам, жасурча зарба берсам,  
Ўша куним — иш жойим.

Бир кун қабрим бошида тўплансалар дўстларим,  
Хотиранинг нурига қоплансалар дўстларим,  
“Халил Ризо” ёзуви оқ-оппоқ мрамримдан,  
Энг сўнги ёдгоримдан журъат, қудрат олсалар,  
Ҳатто қабрим — иш жойим.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**

Қайси кунда иниб келдинг самолардан, ўзбек тили?  
Қанот олдинг энг муқаддас садолардан, ўзбек тили!

Дўппи кийган келинларнинг тингладингми алласини?  
Сен яралдинг у илоҳий нидолардан, ўзбек тили!

Минг-минг йиллар қат-қатида ётган олтин ёмбимизсан,  
Қандай чиқдинг, айт, юзага?

Ҳимолойга, Тиёншонга тенгдош, бойсан муъжизага,  
Қандай чиқдинг, айт, юзага?

Қайси ойда, қайси кунда силқаланди бизнинг жаҳон?  
Элбурус, Алп, Помир тоғи Ерни ёриб чиқди қачон?

Ўйларканман, калит топдим фикрларнинг илгалига,  
Ўзбек тили бу тоғларни кўйиб чиқмиш елкасига!

Одим отдим гоҳ яқинда, гоҳ узоқда  
Қайроққумда, Қапчиғайда, Қўлбулоқда...

Тупроқдаги фил суяги изинг сенинг, ўзбек тили!  
Бор юлдузлар ерга боққан кўзинг сенинг, ўзбек тили!

Қалинлиги неча аршин музлоқларни эритгансан,  
Қиличларни индиргансан, низоларни аритгансан.

Тандирларнинг иссиқ, лўппи ширмонини тарқатгансан,  
Қонимизни юритгансан, тирилтгансан, ўзбек тили!

Сени кўрдим Зарафшонда, Еттисувнинг орқасида,  
Сирдарё ҳам Қашқадарё, Чув, Сарисув ёқасида.

Бир пайт улар олтинларни ташир эди долғасида,  
Сув озади энди нечун?

Улар сенга бердим ё ўз кучини, ўзбек тили,  
Зулмат кесган чақмоқлар ҳам ўз ўчини, ўзбек тили!

Бизнинг қари планетдан сен қадимсан,  
Диним, тангрим, маъбадимсан,  
Тил юраги, юрак тили — ўзбек тили!

Бордим, кўрдим Такатошни, Тешиктошни,  
Кўрдим, биллур қасрларнинг нақшисан сен, олтин нақши!

Жавҳарини сендан олди қанча ёқут, қанча кошин,  
Эй икки минг беш юз эллик йиллик

Самарқанднинг тамал тоши!

Эшит, менга нима дейди қонимдаги шаршара қон,  
Қизилқалъа, Жонбосқалъа, Кичиктепа, Сарикўрғон,

**АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК**

Тошкент, Бўзсув, Кўкча, Шўркўл, Бориказган,  
Тандирқазган...  
Борлигимга қувват келар отлардаги миллийликдан.

Ким айтarki, шунчаки бир чўл отисан, кўл отисан,  
Менинг бургут юрагимнинг темир, метин қанотисан!

Кекса, юксак қоялардан оққан сувсан, оқ нурлисан,  
Сайхун, Жайхун сен ўзингсан, юртга ошиқ, меҳрлисан!

Юсуф\*, Лутфий шеърлар битди, чўнг қалами ўнг қўлида,  
Бобур сени унутмади узоқ Ганга соҳилида.

Ҳайхот, бугун унутган бор... Не ҳам дейин, у нодонлар  
Нонини еб, сувин ичиб, сўзлашулар ёт тилида.

Деворларни, беорларни йиқадирансан, ўзбек тили!  
Изгирину бўрондан соғ чиқадирансан, ўзбек тили!

Айтар доим ўз кўшигин сайроғимиз ўзбек тили,  
Борлигимиз, яроғимиз, байроғимиз ўзбек тили!

\*Юсуф — Юсуф Хос Ҳожиб кўзда тутилган (тарж.)

**Озарбайжон тилидан  
Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси**

**ЁШЛАР ОВОЗИ**



**КЕЛДИМ**

Кўларинга куйилган шароб бўлгани келдим,  
Суробда эмасдим-у,  
Шароб бўлгани келдим,  
Майда-майда бўлгани,  
қолганидан ўрганиб,  
Яна ўзинг билганинг —  
трубо бўлгани келдим.

Кўлимдаги асонинг қисмати мендан расо,  
Қадим чинор шаклида чекаётирман азоб,  
Битилган бўлса недан бунча кечкимиш қазо,  
Кўларингда ёқилур Китоб бўлгани келдим.

Ай шеъримда доғлигим,  
ай Ширинга боғлигим,  
Нигоҳларинг бунча ўт —  
нигоҳларинг бунча жим,  
Юракка сиймай, кўздан  
бўртиб чиққан оғригим,  
Туш эдим, тушга сиймас  
рўёб бўлгани келдим.

Кўлфи дилим очгани нима қолди жилвагар?  
Дунё — битмаган сурат,  
эпласанг ранг чалпа гар,  
Тирик бўлиб сўйламас,  
ўлик бўлиб жилмагар,  
Шарпалардай дарбадар,  
сароб бўлгани келдим.

Бир умр ёмғир ёғса, шамлар ўчмасми, жоно?  
Қуш қўнмаса, бир куни балиқ ўчмасми, жоно?  
Менга жазолар берма,  
бўсалар бериб жон ол.  
Ўтли сукутларингга жавоб бўлгани келдим.

**ҚАЙДАСАН?**

1 Мен кўргим келади ўнгимда сени бекин,  
бекалом кўздай...  
Ковурганни силаб ухласам,  
Тушларимни парилар бузди.  
Ҳайшайверсам ўлимларга тик,  
Товонимдан жон ўтса сизиб.  
Қандоқ хузуру сенга етмаслик,  
Менинг йўлим,  
менинг йўлсизим.

2 Одамдай яшагача кўндирган,  
Таскинлар ундирган саробим!  
Сездингми,  
кўзимиз ўнгиди  
Қочаяпти дунёнинг суроби.

Исминни сўрасанг,  
Бенишон!  
Менсизим,  
хўшмиди шабларинг?  
Қайтадан заминга қўйсақ ном,  
Хайрихоҳ титраса лабларинг.

Ёмғирлар ненидир эслатур,  
барибир,  
аминман, фозлик — тан!  
Бошимни пойингга келтирар  
ҳисларим беватан.

Хуршидинг ғарбини унутиб,  
Қўбласиз тоатлар айласа.  
Нуҳнинг кемасида бўлмасанг,  
Қайдасан?

**Рашид ХҲАМОВ,  
Алишер Навоий номидаги  
ўзбек тили ва адабиёти  
университети талабаси**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жа-  
моаси уюшма аъзоси, таниқли шоир  
**Искандар РАҲМОН**нинг  
вафоти муносабати билан марҳум-  
нинг оила аъзолари ва яқинларига  
чуқур таъзия билдиради.



**ТОҒ  
АСАЛИ**

**ҲАЖВИЯ**

Метро йўлида бир аёлнинг: “Тоғ асали бор! Тоғ асали! Кепқолинг, опқолинг!”, деган овози кулоғимга чалинди. Одам гавжумлигидан ҳарчанд уринмай сотувчини топа олмадим, аммо унинг ўзи мени топди.

— Олинг, уқажон! Жуда шошиб турувдим. Ойимни кўргани боришим керак. Арзонгина беривораман, — деди у.

— Қанча? — дедим олишдан олмаслигим аниқроқ бўлса ҳам. Аёл айтган нарх шубҳали эди. — Нега бунча арзон? Қимматроқ айтсангиз ҳам олишди-ку.

— Бунга обиновот аралашганроқ, — деди у асални очиб кўрсатар экан. — Болалар маз-за қилиб ейди, лекин.

— Болалар темирни ҳам еб юборишади, — дедим асалга бармоғимни чуқурроқ ботириб. — Оҳ, мунча ширин! Тоғ асалига ўхшайди-я!

— Тоғ асали бўлмасаям, пиширилганга асқотади. Оласизми ўзи?!

— Оламану арзонлигига ҳайрон қоляпман, — дедим томоғим шира бойлаб. — Ҳидини қаранг! Оҳ, бирам хушбўйи...

Аёл тоқатсизланди: — Тоза асал ҳам бор. Сўмкамда. Онамга олганман. Оласизми ўзи?

Асални олиб, ер ости йўлидан автобус бекатига ўтдим. Йўналишимдаги автобус энди кетаман деб турган экан. Дарров чиқиб, ўрнашиб олдим. Автобус юра бошлади. Бир пайт қарасам, боғи аёл орқамиздан югураятти. Бир нарсалар дейди.

— Олажон, бошқаларга сотинг, бошқаларга! Йўлқирам қолди, холос, — дейман бош чайқаб. Аёл эса, банкасини ҳадеб автобус ойнасига тақагани-тақаган. Тавба, жинним, бу?!

Уйга келиб билсам, сотувчи аёл менга обиновот қиёми қолиб, тоғ асалини бериб юборган экан. Ана бўлмасам!

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Сурхондарё вилоятининг Кумқўрғон туманида бошқа қорва моллари каби туя ҳам боқилади. “Хунармандлар” маҳалласидаги Соатмўмин Худойқулов хонадонидан бир эмас, сажкиста туя боқилаяпти. Кўп йиллардан бунён туячилик билан шуғулланаётган хонадон соҳиблари улардан шифобахш сут соғиб олишади. Оила аъзоларининг кунлик истеъмолдан ортгани аҳолига сотилмоқда. Туя сутни кўп касалликларга даво, дейишади. Соатмўмин Худойқулов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

**— Неча йилдан бўён туя боқаяпсизлар?**

Чамамда ўн бир йиллар бўлди-ёв. Қандли диабет касаллигига чалингандим. Жуда озиб-тўзиб кетдим. Туя сути иммунитетни оширади, куч беради, дейишди. Қашқадарё вилояти Косон туманидан битта туя харид қилиб, парваришлай бошладим. Сутидан қимрон тайёрлаб ичдим. Туя сути мени соғломлаштирди. Ўша йиллари оилавий қорвачилик билан шуғуланардик, қўй боқардик. Бир йили қўйлардан тўл ололмадик. Кўзилар қўй қорнида нобуд бўлар, ўғилларим уларни кўллари билан суғириб олишга мажбур эди. Шу-шу, икки ўғлим бруцеллез — қон касаллигига дучор бўлди. Деҳқонobodда бу касалликни даволайдиган зўр мутахассис бор, деб эшитдим ва фарзандларимни олиб бориб кўрсатдим.

Мутахассис керакли дориларни ёзиб, 3 йил даволанса, касаллик қондан чиқиб кетади, деди. Кумқўрғон жоме масжидига борганимда кўпни кўрган бир бобо туя сутини ичир, деб маслаҳат берди. Шунга амал қилганим, ўн кунда ўғилларимнинг қони тоза чиқди. Англадимки, туя сутини айни муъжиза экан. Кейинчалик Навоий вилоятидан яна иккита туя олиб келдик. Туяларнинг туёқ сони кўпайди.

**— Туя сутининг яна қандай фойдали хусусиятлари бор?**

**ТУЯ СУТИ ШИФОБАХШ**



— Туя сутини вирус йўқ. Мол докторлари туяни умуман эмламайди. Туя сутини қайнатилмай ичилади. Жигар церрозига даво: қонни тозалайди, жигарни ювади, кўртни туширади, ичми

қотиради. Ҳозир саратон касаллигига чалинган бир бемор туя сутини ичяпти. Яна бир мисол айтмай. Шўрчи туманида ашаётган бир келинчақда кўкрак саратони аниқланибди. Шифокорлар умид йўқ, деб уйга жавоб беришибди. Чикмаган жондан умид, даво бўлармикан, деб шу келинчақка ҳам 40 кун туя сутини ичиришди. Ҳозир аҳоли анча яхши. Отаси телефон қилиб раҳмат айтди. Хуллас, баҳоли қудрат туя боқиб, шифобахш сут сўраб келганларни қуруқ қўл билан қайтармапмиз.

**— Асосан қайси ҳудудлардан мижозлар келаяпти?**

— Вилоятимизнинг ҳамма туманларидан. Яқинда термизлик шифокор ҳам бир мунча вақт уйимизга қатнади.

**— Туядан яна қандай маҳсулотлар олинади?**

— Жун олаемиз. Туя жунидан кўрпа-ёстиқ тайёрланади. Бу ҳам соғлиқ учун фойдали. Битта туяни сўйиб сотдик. Гўшти қўй гўштидай ширин. Қон босими ошганда, қандли диабетда, қон касалликларидан даво.

**— Битта туянинг бозор нархи тахминан қанча?**

— Йигирма миллион сўмдан зиёд. Сутли бия бўлса, ўттиз миллион сўмгача сотиш мумкин.

**— Озуқа масаласини қандай ҳал қилаяпсиз?**

— Кўп йиллик тажрибамиз бор. Шунга қарамай туя боқишда қийналапмиз. Озуқа етишмайди, ем йўқ, Озуқа етиштирадиган еримиз йўқ, Яйлов, лалми ер ҳам ололмадик. Муаммоларимиз ижобий ҳал бўлмади. Очiq майдонлардаги янтоқлар ҳам эгалик бўлиб кетган. Янтоқ чопишга борган невараларим баъзан қуруқ қайтишапти. Туячиликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ёрдамга муҳтожмиз. Маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги бизга эътибор қаратиб, ер беришса, яйлов ажратишса яхши бўларди. Акс ҳолда туяларни сотишга мажбурман. Туя сутига эса эҳтиж катта. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун ҳам туячиликка эътиборни кучайтириб, етарлича шарт-шароитлар яратиш зарур. Шунда туялар сони кўпайиб, шифобахш неъматлар микдори ва тури кўпаяди.

**Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ  
суҳбатлашди.**

**«ОНА МАДҲИ»  
ИЖОДИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИ**

**Истеъодли ёшларни кўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан “Она мадҳи” ижодий ишлар танловини эълон қилади.**

Танловга ҳаётимиз қувончи, оилаларимиз кўрки бўлган муътабар она сиймоси юксак даражада тараннум этилган шеърлар, ҳикоялар ҳамда эсселар қабул қилинади.

Танлов уч йўналишда ўтказилади.

**“Энг яхши шеър” (1-, 2-, 3-ўринлар);  
“Энг яхши ҳикоя” (1-, 2-, 3-ўринлар);  
“Энг яхши эссе” (1-, 2-, 3-ўринлар).**

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилади.

Танловга тақдим этилган асарлар сараланиб, китоб ҳолида чоп этилади. Тақдим этилган ижодий ишлар ҳеч қаерда эълон қилинмаган бўлиши шарт.

Ижодий ишлар 2022 йил 25 ноябрга қадар қабул қилинади.

Танловда 30 ёшгача бўлган ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Ҳолилар мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами арафасида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар электрон ҳолда муаллифнинг шахсий маълумотномаси, телефон рақами ва паспорт нусхаси билан бирга қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. E-mail: badiiy\_adabiyot@mail.ru.**

Мурожаат учун телефон: (71) 231-83-67.  
Телеграм рақам: 90-968-08-25.

**ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ, АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!**

**КИТОБ-АТЛАС  
ТАҚДИМОТИ**

“Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази Маданият вазирилик буюртмасига асосан “Ўзбекистон номоддий маданий мерос элементларини муҳофаза қилиш” мавзусида давлат ижтимоий буюртма лойиҳасини амалга оширди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан молиялаштирилди.

Қуни кеча “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази томонидан тайёрланиб чоп этилган “Ўзбекистон номоддий маданий мероси” номили

китоб-атласнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда ўзбек адабиёти, санъати, маданиятининг намояндалари, меросимиз погонлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Китоб-атласдан Ўзбекистонда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш конвенцияси”нинг имплементацияси, ЮНЕСКОнинг “Инсоният номоддий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган номоддий маданий мерос дурдоналари тури”сидаги маълумотлар, “Умрбоқий мерос” тарғибот маркази томонидан ўтказилган экспедиция жараёнида ўрганилган номоддий маданий мерос элементлари, уларни сақловчилар, етказувчилар тўғрисидаги матнли ва фото маълумотлар ўрин олган.

**Ўз мухбиримиз**

**Тузатиш**

Газетанинг 2022 йил 1 сентябрь сонидан эълон қилинган “Илм ва олим эъзоз топан юрт” сарлавҳали мақоланинг сўнги жумласи: “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Президент фармонида асосан Уктам Пардаевич Умурузқовнинг “Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган ёшлар мурабийси” фахрий унвони билан мукофотланганидан бошимиз кўкка етди” деб тузатиб ўқилсин.

**Тахриратга келган кўтеъзалар тахлил этилмади ва муаллифларга қайтарилмади. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Масъул котиб:** Асрор СУЛАЙМОНОВ  
**Навбатчи муҳаррир:** Шўхрат АЗИЗОВ  
**Саҳифаловчи:** Ниғора ТОШЕВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
**Босмахона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади - 924. Буюртма Г - 944.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

**Ўzbekiston  
adabiyoti va san'ati**

**Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru**

**Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

**Ҳамкоримиз:**

**Бош муҳаррир  
Салим АШУР**

**akfa**

**ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ**  
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2303-614X

9 772303 614000